БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 4 (3803)
5 ЖУМА
ЯНВАРЬ 1979 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Тўрт йиллик план — муддатидан илгари

ПУХТА ЗАМИН ТУФАЙЛИ

«Турист» комбинати турист жиҳозлари ва совға буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Корхонанинг ранг-баранг буюмларини шаҳримиздаги совғалар магазиналарида харидорлар севиб харид қилишаётганининг доимо гувоҳи бўласиз. Негаки, улар юксак дид билан, нафис ва чиройли ишланган.

БУГУН

комбинат бош потоғида пайдо бўлган «Ленин мавзолейи» ва «Спасск минораси» деб аталмиш сувенирларнинг яна бир туркуми савдо шахобчаларига жўнатилди. Ҳозирда янги буюмлар билан бирга комбинатда 15 хил совға буюми ишлаб чиқарилянти.

Янги йилни яхши сурўрат билан бошлаган туристчилар ўнинчи беш йиллик топшириғини муддатидан илгари адо этиш учун пухта замин ҳозирлаб олишганди. Улар маҳсулот реализация қилиш бўйича йиллик планни муддатидан илгари уддалашиб, пландаги 1 миллион 400 минг сўм ўрнига 1 миллион 870 минг сўмлик маҳсулот реализация қилдилар.

Бундай ютуқларга социалистик мусобақани авж олдириш ва цехларни реконструкциялаш туфайли эришаётган корхона меҳнат аҳли эндиликда барча куч ва имкониятларини беш йиллиннинг тўрт йили планини 20 январда бажаришга қаратмоқда.

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ШАҲДАМ ОДИМЛАРИ

Бригаданинг беш йиллик топшириғи кам ишчи кучи билан бажарилади

ТАШАББУС АСОСИДА

Анатолий Жўраев бошлиқ бригада Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармасининг 11-«Висотстрой» қурилиш трестига қарашли 75-қурилиш бошқармасидагина эмас, балки пойтахт қурувчилари ўртасида биринчилардан бўлиб свердловсклик қурувчиларнинг беш йиллик топшириқни кам ишчи кучи билан бажариш ҳақидаги ташаббусига қўшилган эди. Бригада тўрт нафар малакали қурувчисини бошқа коллективга ўтказди. Аммо беш йиллик бошида қабул қилган мажбуриятидан воз кечмаган эди.

Коллектив аъзоларининг меҳнатсеварлиги, ўз касбини яхши билиши, ишни оқилона ташкил этиши туфайли бригада беш йилликнинг учинчи йили план топшириғини муддатидан илгари ортиғи билан бажарди.

Охунбобоев номли майдонда қад кўтараётган осмонўпар «Москва» меҳмонхонаси қурилишида 4300 сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишлари адо этилди.

Бригада бунёдкорлари беш йиллик планни шу йил охирига қадар бажариш иштиёқида мусобақани авж олдириб ишлашмоқда.

Бадиий буюмлар фабрикаси коллективи беш йиллиннинг тўртинчи йилини яхши меҳнат суръатлари билан бошлади. Айниқса, корхонанинг дўппи цехидаги аҳил чеварлар шу кунларда юксак меҳнат натижаларига эришяптилар.

Ушбу суратда шу цехдаги илғор дўппи тикув чилардан (чапдан-ўнгга) Еқутхон Ғуломова, София Сафоева, бригада бошлиғи Назира Йўлдоше ва Манзура Тоҳироваларни кўриб турибсиз. Вақтдан ўзган бу чеварлар ҳозир янги йилнинг август ойи ҳисобига маҳсулот тайёрлашяпти.

И. Шонноғомов фотоси.

БОШЛАНИШИ ЯХШИ

Беш йиллиннинг зарбдор учинчи йилини салмоқли ютуқлар билан якунлаган синтетик ювиш воситалари заводи коллективи янги йилнинг дастлабки кунларидан яхши суръат билан меҳнат қиляпти. Заводда тайёрланаётган маҳсулотлар орасида, айниқса «Лотос — Автомат», «Ока» совун-ювощокларининг бозори чақ-қон. Ишчилар шу боислан мана шу маҳсулотлардан кўплаб тайёрлашга эътибор беришяпти.

Коллективда янги йил топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун бошланган мусобақада Г. Бойкина, Н. Иванова, В. Уварова бошлиқ сменаларнинг ишчилари намуна бўляпти. Бу сменаларда кунлик топшириқлар 115—120 процент бажарилиб, маҳсулотнинг асосий қисми аъло сифатда тайёрланяпти.

Корхонада янги йилдан бери савдо тармоқларига 300 тонна маҳсулот жўнатилди. Бу маҳсулотларнинг йигирма тоннасини коллектив топшириққа қўшимча ишлаб чиқарди.

• Техника тараққиёти йўлида

ИЗЛАНИШ САМАРАСИ

Ўрта Осиё темир йўли Тошкент бўлимаси коллективига ижодий изланишлар катта зафар келтиряпти. Буни Тошкент товар станцияси 1-вагон депоси ижодкорлари эришган натижалардан ҳам билса бўлади. Яқинда бу ерда корхонадаги ихтиночи ва рационализаторларнинг таклифи асосида вагон гилдиракларини демонтаж қилиш усули жорий қилинди. Натижада бир вақтнинг ўзида ўн саккиз хил операцияни бажариш имкони вужудга келди.

Технологияга киритилган бу ўзгариш участкала ишлаётган икки ишчини бошқа участкага ўтказишга шароит яратди. Муҳими шундаки, корхона бу таклифдан йилига 3,2 минг сўмлик иқтисодий самара кўради.

Бўлимларнинг бошқа депо ва участкаларида ҳам мураккаб иш жараёнларини бажаришни техника зиммасига юклаш, меҳнат унумдорлигини ошириш учун изланиш давом этмоқда.

• Қурилиш майдонида

ВАҚТДАН ЎЗИБ

Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармасига қарашли 6-қурилиш трестининг 32-қурилиш бошқармаси коллективи ўтган йили жуда яхши меҳнат қилди. Йиллик планни муддатидан бир неча ҳафта илгари адо этиб, янги йилни 1979 йилнинг февраль ойи ҳисобига ишлаш билан кутиб олди.

Бунга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Николай Злобиннинг бригада пудрати методи бўйича ишлаётган Т. Магдиев, С. Коготов, А. Толмачев бошлиқ бригадаларнинг азаматлари катта ҳисса қўшишди. Бу меҳнат пешқадамлари раҳбарлик қилаётган коллективлар иш вақтидан, машина ва механизмлардан унумли фойдаланиб ишлашлари туфайли беш йиллик маррани эгаллаш арафасида туришибди.

Бошқарма бинокорлари янги йилнинг дастлабки кунларида ҳам юқори сифат ва суръатга эришишляпти. Коллектив бу йил 6,6 миллион сўмлик пудрат ишларини амалга оширишга, нўплаб турар жойлар, маданий-маиший объектлар қурилишини тугаллаб фойдаланишга топширишга аҳд қилишган.

Қ. ОЧИЛОВ,

«Главташкентстрой»-га қарашли 6-қурилиш трести 32-қурилиш бошқармасининг бетончиси.

Бузилмас блок номзодлари

Совет халқи коммунистлар ва партиясизлар бузилмас блокининг энг яхши вакилларини СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатмоқда. Мамлакатда сайлов олди йиғилишлари сиёсий активлик юксалган бир вазиятда давом этмоқда.

Тошкентдаги 115-мактаб коллективининг сайлов олди йиғилиши СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига 602-Тошкент — Октябрь сайлов округидан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали **Дмитрий Фёдорович Устинов** билан муаллима **Мавжуда Саидовна Самадова** номзодларини кўрсатди.

Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлиб ўтган сайлов олди йиғилишининг қатнашчилари 120-Чирчиқ сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Шароф Рашидович Рашидов** билан бирлашма карбамид цехининг аппаратчиси **Вера Николаевна Войкина** номзодларини кўрсатишга қарор қилдилар.

(ЎзТАГ).

ЧИНАКАМ ВАТАНПАРВАР-ИНТЕРНАЦИОНАЛИСТЛАРНИ ТАРБИЯЛАБ ЕТИШТИРАЙЛИК

4 январь куни Тошкентда меҳнаткашларни интернационализм ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш республика кенгашининг мажлиси бўлди.

Кенгаш раиси — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ҳ. Т. Турсунов 1978 йилда қилинган ишлар тўғрисида ахборот берди. Мажлисда ўзбек совет адабиёти ва санъатида интернационал мавзу тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Республика Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ю. С. Султонов шу ҳақда ахборот берди. **(ЎзТАГ).**

• Уй тўйлари

126 ОИЛА ҚУВОНЧИ

Аҳмад Дониш ва Электрокабель кўчаларидаги 126 хонадонга аталган турар жой биносидаги қурилиш ишлари тугалланиб, янги йил арафасида фойдаланишга топширилди. Уйдаги квартиралар 2, 3, 4 хоналардан иборат. Барча коммунал қулайликлар мужаҳаз этилган.

Турар жой биносини Тошкент шаҳри қурилиш Бош бошқармасига қарашли 2-уйсозлик комбинатининг 3-монтаж бошқармаси ва пардоз ишлари бошқармаси коллективлари бунёд этишган.

СССР НАРХЛАР ДАВЛАТ КОМИТЕТИДА

СССР Нархлар давлат комитети маълум қиладики, 1979 йилнинг 5 январида қуйидаги молларнинг давлат чакана нархлари пасайтирилди:

— Стрелка индикацияли ҳамда суюқ кристаллдаги рақам индикацияли электрон қўл соатлари ва уларнинг запас қисмлари ўрта ҳисобда 47 процент.

— Чўнтак микрокалькуляторлари ва уларнинг запас қисмлари ўрта ҳисобда 35 процент.

САЙЛОВ ТАРАДДУДИ

Сайлов участкаларида ишлаш учун

«Ташкенткабель» заводининг катта мастери Элдор Илёсовнинг партиявий топшириқлари ёнига яна битта топшириқ—агитпунктда ишлаш топшириғи қўшилди. Ҳозирнинг ўзидаёқ у сайловчиларга СССР Олий Советига сайлов мақсадлари ва уни ўтказиш тартибини тушунтириб бермоқда.

Элдор Илёсов прокат цехида неча йиллардан бери сиёсий ахборотчилик қилмоқда. У партия сиёсати ҳақида, партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль ва ноябрь Пленумлари белгилаб берган вазифалар ҳақида ишчиларга маълумот ва маълумот қилиб гапириб беради. Бу коммунист одамлар дилига йўл топа олади, суҳбатни партия сўзи ҳар бир ишчи қалбига етиб борадиган, унда меҳнат муваффақиятларини кўпайтириш иштиёқини қучайтирадиган тарзда қуради.

Завод партия комитетидагилар корхона яқинидаги сайлов участкасига бириктирилган агитколлектив составига Элдорни киритар эканлар, сайловчилар орасида ишлай оладиган йигит, деб дадил айтдилар.

«Ташкентка б е л ь» партия ташкилоти сайлов участкаларига 113 нафар коммунист ва комсомолни юборди. Уларнинг кўплари Элдор Илёсов каби оммавий-сиёсий иш тажрибасини орттирган моҳир агитатор ва сиёсий ахборотчи сифатида танилган кишилардир. Улар сайлов участкаларида корхона яқинида жойлашган мактаб ва бошқа ташкилотлар ажратган активлар билан бирга ишлайдилар. Сайлов кампаниясида «Билим» жамияти завод ташкилоти ҳам актив қатнашади. Агитпунктларнинг талабномаларига мувофиқ бу жамият тажрибали пропагандистларни юбормоқда, улар СССР Конституцияси, Совет демократияси тўғрисида, бошқа масалалар хусусида лекциялар ўтказмоқдалар.

(ЎзТАГ).

МЕҲНАТДА ПЕШҚАДАМЛАР • ЁШЛАРГА ЎРНАК БЎЛИБ

«Главташпассажтранс» бошқармасига қарашли 7-автобус парки коллективи ўнинчи беш йиллиннинг учинчи йили планини 20 декабрда бажариб, пландан ташқари 30 минг сўмлик хизмат кўрсатди. Ўнинчи беш йиллиннинг тўртинчи йилида ана шу муваффақиятларни янада бойитишга аҳд қилган аҳил коллектив янги йилнинг дастлабки кунларидан жонбозлик кўрсатиб ишламоқда. Жумладан, бригада пудрати методи асосида ишлаётган 2-маршрутдагилар самарали ютуқларни қўлга киритишмоқда.

Янги йилнинг биринчи кунлариданоқ корхона партия ташкилоти илғор шофер, коммунист Собир Азизовга 68-маршрутда бригадирлик қилиш вазифасини топширди. Ёшларга ўрнак бўлаётган бу азамат шофер «Колоқларсиз ишлайлик» шиори остида меҳнат қилиб, смена топшириқларини ортиғи билан бажаришга сазовор бўлмоқда.

— Кеча бир сменада 4,5 минг йўловчига хизмат кўрсатдим, — дейди у,— ҳадемай бу рақам янада нўпайди. Йўловчиларга намунали хизмат кўрсатиб, уларнинг манзилларига ўз вақтида етиб боришларини таъминлаш борасида барча гамхўрликларни кўрсатамиз.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари Г. В. Романов бошчилигидаги совет партия-давлат делегацияси 4 январда Гаванадан Ватанига қайтиб келди. Делегация Куба революциясининг 20 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантаналарда қатнашган эди.

● СССР Олий Совети Президиуми 1979 йил 4 январь Фармони билан СССР Фанлар академиясининг О. Ю. Шмидт номли Ер физикаси институтининг бир группа ходимларини география фанини ривожлантиришдаги хизматлари учун СССР орден ва медаллари билан мукофотлади.

● Совет театр санъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун М. Горький номли Озарбайжон давлат ёш томошабинлар театри СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан «Ҳурмат Белгиси» ордени билан мукофотланди.

● «Йиллик топшириқ муддатидан илгари» сарлавҳаси остида Самарқанддаги «СССР 50 йиллиги» лифтсозлик заводи коллективининг 1979 йилги социалистик мажбуриятлари эълон қилинган.

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИДА

Кеча

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг бош павильонидаги «Пахтачилик» бўлими янги экспонатлар билан қайтадан ташкил этилди. Бу бўлимга қўйилган жуда кўп фотосуратлар, пахта навлари республикамизда «оқ олтин» етиштириш борасида катта ишлар амалга оширилаётганлигидан далолат беради.

●

Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармасидаги 8-трестнинг 2-қурилиш-монтаж бошқармаси бунёдкорлари автомобиль—йўл институти комплекс биноларини қурилишида конструкцияларни монтаж қилиш ишларини тугалладилар. Эндиликда объектда пардозловчилар, сантехниклар ва электриклар иш бошлашди.

Улкан ўқув комплексининг лойиҳасини «Ташгипрогор» лойиҳа институтининг мутахассислари ишлаб чиқишган. Бу замонавий комплекс 10 қаватли иккита ўқув-ишлаб чиқариш корпуси, маъмурий—хўжалик биноси, катта мажлислар зали, кутубхона ва ошхонадан иборат. Биноларни пардозлаш ва жиҳозлашда рангли панеллар, гранит ва мармар тошлар, алюминли витражлардан кенг фойдаланилмоқда.

Комплекснинг дастлабки навбатини шу йилнинг ўзида фойдаланишга топшириш мўлжалланяпти.

Бугун

республика Енгил саноат министрлигига қарашли Тошкент Модалар уйининг чеварлари яна бир катта халқаро кўргазма учун тайёргарлик кўриш ишларини бошлаб юбордилар. Ижодкор тикувчилик масканида тайёрланадиган ўзбек миллий либослари шу йилнинг баҳорида Афғонистонда намойиш этиладиган халқаро виставкада кўрсатилади.

Шу муносабат билан Модалар уйининг бош инженери Вера Григорьевна Зубрилкина бундай деди:

— Чеварларимиз ана шу халқаро кўргазмага 35 та экспонат юбориш ниятида. Шу бугуннинг ўзидаёқ юборилиадиган экспонатларнинг қариб ярми тайёрланди. Улар асосан эркаклар, хотин-қизлар учун мўлжалланган пальтолар, костюмлар, кўйлаклар ва бошқа либослардан иборат. Буларнинг ҳаммаси замонавий, сифатли материаллардан хушбичим қилиб тикилмоқда. Экспонатлар февраль ойида халқаро ярмарка адресига жўнатилади.

●

«Таштекстильмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси ёш конструкторларидан бир группаси Ватанимизнинг пойтахти — Москвага жўнаб кетди. У ерда ҳамшаҳар ижодкорларимизга Ленин комсомолининг мукофотлари тантанали вазиятда топширилади. Маълумки, бу корхонанинг ёшлари янги юксак такомиллашган ростлаш машиналари яратилганлиги учун 1978 йилда фан ва техника соҳасида мамлакатнинг ана шу мукофотига сазовор бўлган эдилар.

●

Ўзбекистон касаба союзлари республика Советига қарашли республика бадиий ҳаваскорлик уйи ходимлари яна бир фото кўргазма учун материаллар тўплашга киришдилар. Ана шу янги кўргазма ижодий ташкилотларнинг саноат корхоналари, колхозлар, совхозлар, ўқув юртлари ва Туркистон Ҳарбий Округининг қисмларига кўрсатилаётган маданий хизматга бағишланган. Шу ойнинг охирида Навоий номли академик опера ва балет катта театрида очиладиган бу кўргазмадан ҳаваскор фото усталарнинг расмлари ўрин олади.

●

Қўйлиқдаги қўприкбоп темир-бетон конструкциялари экспериментал заводининг коллективи Россия Федерациясидаги Тюмень областига уч вагон кўприк конструкцияларини жўнатди. Корхонанинг меҳнат аҳли ўзи тайёрлаётган мураккаб маҳсулотларни мамлакатимизнинг қатор зарбдор қурилишларига етказиб бермоқда.

Ўтган йили Тюмень бунёдкорлари 1 минг кубометр, Байкал-Амур магистралининг қурилиш ташкилотлари эса бир неча юз кубометр конструкцияларни қабул қилиб олган эдилар.

Корхона бу йил ҳам Тюмень областидан катта буюртма олган. У ерга 4 минг кубометр кўприкбоп конструкциялар етказиб бериш юзасидан барча тадбирлар ишлаб чиқилди. Бундан ташқари корхона маҳсулотлари республиканинг барча областлари ва Қорақалпоғистон АССРга ҳам пешма-пеш етказиб берилянти.

Эртага

Киров район «Билим» жамияти ташкилоти Абдулла Қодирий номли маданият уйи ҳамда «Бодомзор» маҳалласи билан ҳамкорликда сайловчилар кечасини ўтказади. Бу кечада КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кўрик» асари ҳақида лекторларнинг суҳбати тингланади.

Бундан ташқари маданият уйининг бадиий ҳаваскорлик коллективи сайловчиларга маданий хизмат кўрсатиш мақсадида махсус концерт программасини тайёрлади.

Шу кунларда Киров районида СССР Олий Советига бўладиган сайловлар олдидан тайёргарлик ишлари қизғин бошлаб юборилди. Райондаги барча маданият уйлари, корхоналар ва ташкилотларнинг саройлари, клубларида сайловчилар клублари ташкил этиляпти. Уларда совет сайлов системасининг афзаллиги ҳақида, совет демократиясининг тантанаси тўғрисида қизиқарли суҳбатлар олиб борилмоқда.

телетайп лентасидан

● ПРАГА. Праганинг ғарбий чеккаларида иккита янги микрорайонни барпо этишга киришилди. Бир неча йилдан кейин бу микрорайонларда 30 мингдан кўпроқ киши янги квартираларга кўчиб киради.

Янги районлардан бири шаҳар марказидан Прага аэропортига олиб борадиган автомагистраль яқинида бунёд этилмоқда. Бу ерда қуриладиган замонавий кўп қаватли бинолар Чехословакия пойтахтидаги энг чиройли проспектлардан бири — Ленин номли проспектнинг давоми бўлади.

● ВАРШАВА. Польша пойтахтининг ғарбий қисмидаги янги Бемовода микрорайонининг дастлабки объектлари барпо этилди. Бу ерда варшаваликлардан 30 минг киши яшайди. Уйжой массивининг марказида оригинал архитектура комплекси барпо этилади. Бу комплексда савдо маркази, машиий хизмат корхоналари, кинотеатр, кутубхона жойлашади. Уй-жой бинолари билан ёнма-ён ҳиёбонлар, спорт майдончалари ва болалар майдончалари барпо этилади.

● БУДАПЕШТ. Беш йиллиннинг ҳозирги, тўртинчи йилида Венгрия пойтахтини ривожлантириш плани қабул қилинди. Бу планда 14 миллиард форинт миқдорида маблағ ажратиш кўзда тутилади. Бу маблағларнинг асосий қисми уй-жой қурилишига, транспорт системасини такомиллаштириш, янги маданият муассасаларини бунёд этиш учун сарфланади.

Замонавий уй-жой массивлари, Обуда, Бекашмедьер, Кишпешт янги қурилиш районларини кесиб ўтадиган кенг проспектлар кейинги йилларда Дунай соҳилидаги ана шу қадимий шаҳарнинг рамзи бўлиб қолди. Бу йил шинам квартираларда 18,5 минг оила ҳовли тўйларини ўтказади. Кинотеатрлар, клублар, мактаблар, болалар боғчаларининг янги гўзал бинолари қад кўтаради.

● НЬЮ-ЙОРК. Нью-Жерси штатининг энг йирик Нью-Арк шаҳри кечқурун соат тўққизга бориб ҳувиллаб қолади. У «қўрқинчли шаҳар» бўлиб қолди.

«Мен, — дейди сотувчи Лилиан Уоттс,—кечқурун уйга қайтишга қўрқаман». Бинт билан бошн бойланган кекса одам: «меня ўн икки марта талашди», — деб шикоят қилди. Унинг жароҳатланган боши сўнгги қароқчилик ҳужумидан дарак беради.

Ньюаркни «жиноятчилар пойтахти» деб бежиз айтишмайди: 350 минг киши яшайдиган бу шаҳар қотиллик, талаш, автомашиналарни олиб қочиш ва бошқа жиноятларнинг сони жиҳатидан штатда биринчи ўринни эгалламоқда.

(ТАСС).

Польша саноатининг янгилиги — беш ўринли «Полонез» енгил автомобили синовдан ўтмоқда.

Машина бундан аввалги намуналаридан ташқи кўринишн, салонининг тузилиши билангина фарқ қилмайди. Унинг бошқариш жиҳозлари такомиллаштирилган, двигателининг қуввати 82 от кучига тенг.

ЦАФ—ТАСС фотоси.

• *Якун ва режалар*

САМАРАЛИ МЕҲНАТ ҚИЛАМИЗ

Партия ва ҳукуматимиз кейинги пайтда кооперация йўли билан турар жой бинолари қуришга ҳам катта эътибор бермоқда. Бу — давлат учун ҳам, аҳоли учун ҳам талай афзалликлар туғдирадиган қурилиш усулидир. Қурилиш кооперативига аъзо бўладиган киши уйнинг маълум суммасини олдиндан тўлаб қўйганлиги учун бир қанча қулайликларга эга бўлади. Аввало кооперация йўли билан қуриладиган бинолар лойиҳаси анча мукаммалдир. Бундай биноларнинг пардози яхши, йўлаги одатдагидан анча катта, хоналар ҳам кенг. Уйларнинг паркет полли бўлиши ҳам яшовчиларга қулайлик туғдиради.

Бундай қулайликлар кейинги пайтларда кооперация қурилиш ташкилотларига аъзо бўлишни истаганлар сонини кўпайтирмоқда. Бизнинг «Чилонзор» турар жой қурилиш кооперативининг ўзига 14 мингга яқин киши аъзодир. Ҳозир бизда мавжуд 64 уйдаги 3500 квартирада бир неча минг киши яшайди. Ўтган йили кооперативимиз Марказ—26 кварталида яна иккита янги уйни фойдаланишга топширди. Биз икки ва уч хонали уй олиш учун навбат кутаётган бир қанча кооперация аъзоларини турар жой билан таъминладик. Шунингдек, 4-ремонт-қурилиш бошқармаси билан тузилган шартномага биноан уйларни ремонтдан чиқардик.

Янги йилда режаларимиз яна ҳам катта. Биз бу йил тўртта уйни фойдаланишга топшириш ниятидамиз. «Каскад» созлаш-ишга тушириш бошқармаси ва Тошкент трамвай-троллейбус бошқармаси коллективлари учун махсус уйлар қурмоқдамиз. Қурилишларнинг буюртмачиси бўлмиш шаҳар капитал қурилиш бош бошқармаси «Жилстрой» трести ва бош пудратчи 1-Тошкент уйсозлик комбинати 31-қурилиш бошқармаси билан ҳамкорликда қизғин иш олиб бормоқда. Ҳали айтганимиздек, янги уйлар ҳар томонлама қулай ва шинам қилиб бунёд этилмоқда. Катта верандалар, паркет пол, чиройли безаклар уларда яшайдиган кишиларга манзур бўлади деб ўйлаймиз.

Аммо бизнинг олдимизда баъзи бир муаммолар ҳам бор. Қурилишлар кўпинча хом ашё билан яхши таъминланмайди. Кейинги пайтларда мавжуд биноларни ремонт қилиш борасида ҳам анча камчиликлар бор эди. Ўтган йилнинг охирида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ҳузурида кооперация бошқармаси тузилди. Энди бу борадаги ишлар яхши йўлга қўйилади, деб ўйлаймиз. Чунки ремонт ташкилотлари илгари кооператив уйларга хиёл «бегона» назар билан қарар эдилар. Янги йилда бу борадаги ишлар яхшиланади.

«Чилонзор» кооперативида қатор тадбирлар амалга оширилган. Навбатда турганларнинг умумий рўйхати кўринарли жойга осиб қўйилган. Қоласверса, бизда махсус юридик консультация жамоатчилик асосида мунтазам иш олиб боради. Кооператив аъзолари ҳар ҳафтанинг шанба кунлари малакали юристлардан маслаҳат олиб турадилар. Шунингдек, бизнинг ўз турар жой эксплуатация бошқармамиз, ўртоқлик судимиз бор. Биз биринчи навбатда Улуғ Ватан уруши инвалидларига қулайликлар яратишга ҳаракат қиламиз. Шунингдек, кооперативнинг эски аъзолари уй-жой шароитини яхшилашда маълум мавқега эгадирлар. Хулас, кооперативимиз 1979 йилни ёруғ юз билан кутиб олди. Коллективимиз янги йилда янада самаралироқ меҳнат қилиш ниятида.

Е. ДАНИЛОВ,

«Чилонзор» турар жой қурилиш кооперативининг бошлиғи.

• Ишчи—улуғ ном

САРКОР

ТОШКЕНТ 3-нон заводига кириб борар экансиз беихтиёр йўлакдаги «Ҳурмат тахтаси»га кўзингиз тушади. Унга беш йиллик илғорларини расмлари қўйилган. Пешқадамлар орасида Абдуқодир Комиловнинг ҳам расми бор.

Абдуқодир заводга Улуғ Ватан урушидан сўнг келди. 1941 йилда немис газандаларининг Ватанимизга ҳиёнаткорона босиб кириши ҳамма қатори ёш Абдуқодирнинг ҳам ғазабини тоширди. У биринчилар қатори фронтга отланди. Ёш жангчи Жануби-ғарбий фронтда жанг қилди. Украннани фашистлардан озод этишда қатнашди. Бироқ Харьков остоналарида бўлган даҳшатли жангларда қўлидан яраланади. Шунга қарамай у яраланган командир ўрнига «Ватан учун олга, биродарлар!» — деб жангчиларни олга бошлади. Бу жангда фашистлар тор-мор этилди.

Жангдан сўнг А. Комилов дала госпиталига ётқизилди. Жарроҳларнинг яқиндан берган ёрдами туфайли Абдуқодирнинг кўли сақланиб қолди. Лекин у қайта жангга ярамас эди. Уни Туркистон ҳарбий округига — она-шаҳри Тошкентга юборишди. А. Комилов меҳнат фронтида ҳам жонбозлик кўрсатди. У нон заводида меҳнат қилиб, тез орада коллективнинг ҳурматини қозона бошлади. Абжир, меҳнаткаш, жонкуяр Абдуқодир ишлаб чиқаришдаги қийинчиликларга қарамасдан смена ва ойлик топшириқларини 110—115 процент қилиб бажарар эди. У ташкилотчилиги туфайли оддий хамир қорувчидан смена мастери даражасигача кўтарилди. Бу вазифада у кўп йиллар самарали меҳнат қилиб, ёшларни тарбиялади ва уларни малакали мутахассислар қилиб етиштирди. Шунинг учун ҳам заводдаги ёшу қари Абдуқодир акани ҳурмат қилиб, уста, саркор деб у билан фахрланишади.

«Дарё сувини баҳор тоширар, одам қадрини меҳнат оширар», — деганларидек Абдуқодир ака Комилов ҳам ўзининг кўп йиллик самарали меҳнати туфайли коллектив ҳурматини қозонди, партия ва ҳукуматимизнинг бир неча марта фахрий ёрлиқлари ҳамда медалларига сазовор бўлди. Яқинда унга катта ишонч билдирилиб, ишлаб чиқариш мудири лавозимига тайинланди.

Ҳа, мана ўттиз йилдирки, А. Комилов халқимизнинг ризқ-рўзи бўлган нонни эл дастурхонига етказиб бериш йўлида баракали меҳнат қилиб келяпти. У ҳали кўп йиллар мана шу шарафли касбда меҳнат қилиб, ишчи номини улуғлаб кўплаб ёшларга саркорлик қилади.

А. ЭРНАЗАРОВ,

ТошДУ журналистика факультетининг студенти.

Ушбу фотолавҳада шаҳримиздаги 2-пойафзал фабрикасининг илғор ишчиси Равшан Мусахонов тасвирланган. Коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли номга эга бўлган бу ишчи мунтазам равишда кунлик смена топшириқларини ортиги билан адо этяпти.

И. Шоиноғомов фотоси.

БОШ МУХБИРИМИЗДАН

ТОШКЕНТ оқшоми

ҳаётлар

Яқинда штатсиз фотомухбир И. Шоиноғомов шаҳримиздаги чинни заводида бўлиб корхона ишчиларининг меҳнат фаолиятини акс эттирувчи бир неча суратлар олиб кайтди. Унинг диққатингизга ҳавола этилаётган фотолавҳасида заводнинг моҳир рассоми Екутхон Азизовани кўриб турибсиз. Бу моҳир ишчи ўзига топширилган барча ишни доимо сифатли қилиб бажаради.

ҲУНАР МАСКАНИ

Бизнинг техникумимиз ташкил этилганидан бери ўтган чорак аср мобайнида республикамизнинг қурилиш ташкилотлари ҳамда лойиҳа институтлари учун 11 мингдан зиёд етук малакали мутахассис тайёрланди.

Ҳозирги кунда улкан қурилиш майдонига айланган Тошкентда бизнинг техникумни тамомлаган юзлаб қурувчилар меҳнат қилишяпти. Йилдан-йилга техникумимизни битириб чиқаётган ўқувчилар сони ортиб боряпти. Биргина ўтган йилнинг ўзида архитектура, санитария-техника, геодезия, саноат ва граждан қурилиши факультетларини 810 нафар студент битириб чиқди. Шуларнинг 300 нафардан ортиғи «Главташкентстрой»нинг турли трестларида меҳнат қилиш учун йўлланма олди. Бугунги кунда техникумимизнинг кундузги бўлимида 1259 нафар, кечки бўлимида 970 нафар ва сиртқи бўлимида 650 нафар студент касб-ҳунар ўрганмоқда. Бундан ташқари Чорвоқдаги филиалимизда 450 студент таълим оляпти.

Техникум маъмурияти ва ўқитувчилар коллективи ўқувчиларнинг юксак даражада билим олишлари учун зарур чора-тадбирларни кўрмоқда. Ана шу мақсадда бу йил техникумни капитал ремонт қилдик. Натижада 131 минг сўмлик маблағ ўзлаштирилди. Жумладан, аудитория ва ўқув кабинетлари ремонтдан чиқарилиб, янги ўқув қуроллари билан жиҳозланади. Кабинетларни жиҳозлаш учун 91 минг сўмлик замонавий ўқув қуроллари сотиб олинди. Қурилиш машиналари, умумий интизом, ҳарбий таълим, математика, рус тили ва адабиёти, конструкциялар, меъморчилик тарихи каби фанларни ўқитиш учун ўнга яқин замонавий типдаги ўқув кабинетлари мавжуд. Бу кабинетларда амалий машғулотлар олиб бориш билан бирга, меъморчилик тарихидан кинофильмлар ҳам намойиш этилади.

Ўқувчиларга юксак билим беришда, касб ўргатишда 127 нафар ўқитувчимиз астойдил тер тўкмоқда. Жумладан, санитария-техника бўлими мудири Б. Сиропатов, саноат ва граждан қурилиши бўлими мудири Р. Рубинов, шунингдек, А. Аксакова, М. Смирнова, В. Кондер каби ўқитувчиларнинг жонбозлиги диққатга сазовордир.

Студентлар учун беш қаватли ўқув корпуси қурилмоқда. Унда 200 ўринли спорт зали, 200 ўринга мўлжалланган ошхона ҳам бўлади. Буларнинг ҳаммаси ўқувчиларимизнинг пухта билим олишлари, келгусида етук мутахассис кадрлар бўлиб етишишлари учун партия ва ҳукуматимиз кўрсатаётган катта ғамхўрликларини исботламоқда.

Э. АБИРОВ,

Тошкент қурилиш техникумининг директори.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Ф. ТУЛАГАНОВ: Маълумки, шаҳримизда атроф-муҳитни соғломлаштириш, ҳаванинг софлигини сақлаш, шовқинга қарши кураш бўйича кўпгина тадбирлар амалга оширилянти. Бироқ, шунга қарамай айрим пайтларда баъзи кишиларнинг шаҳримиз кўчаларида кўп тутун ва шовқин чиқарувчи мотоцикл, моторроллерларда юрганлигининг гувоҳи бўламиз. Айтинг-чи, шу тўғрими? Ахир улар бу қилмишлари билан шаҳримиз ҳавосининг софлигини сақлашга салбий таъсир кўрсатишянти-ку.

Жавоб: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг «Тошкент шаҳрида жамоат тартиби, ободонлаштириш ва санитария Қоидалари тўғрисида»ги қарорида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва шовқинга қарши кураш бўйича бир қатор муҳим тадбирлар белгиланган. Белгиланган ана шу тадбирлар ичида жумладан, олдиндан тозаланмаган зарарли моддаларни ҳавога чиқариш; ахлат, хазонлар, ишлаб чиқариш чиқиндиларини кўчалар, майдонлар, парклар, уй-жой ҳовлилари, корхона ва ташкилотларнинг территорияларида ёндириш; шаҳар ичида барча турдаги транспортларнинг сигнал чалиши, карбюратори, глушители бузуқ, кўп тутун ва шовқин чиқарувчи мотоцикл, моторроллер ва мопедларда юриш; двигатели, карбюратори, глушители бузуқ, кўп газ ва шовқин чиқарувчи ҳамма турдаги транспортларнинг йўлга чиқишиман этилиши таъкидланган. Бундан ташқари шу қарорда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва шовқинга қарши кураш бўйича қоидани бузганларга маъмурий комиссия томонидан 10 сўмдан 50 сўмгача, мансабдор шахсларга нисбатан эса 25 сўмдан 100 сўмгача миқдорда жарима солиниши ҳам кўрсатилган.**

Г. РАЖАБОВ: Мен бир нарсани сўрамоқчи эдим - айтингчи, автотранспорт воситаларини ҳайдаш ҳуқуқини берадиган гувоҳномаларни олиш учун қаерда ўқиш мумкин?

Жавоб: Шаҳримизнинг Ҳамза, Куйбишев, Сергели, Акмал Икромов районларидан бошқа барча районларнинг ДОСААФ комитетлари қошида спорт-техника клублари ишлаб турибди. Ана шу клубларда автоҳаваскорлар ва мотоцикл ҳайдовчилар тайёрланади. Бундан ташқари Ўзбекистон ССР автоҳаваскорлар жамиятининг ҳам автомобиль мактаби бўлиб, бу ерда ҳам ҳаваскор шофер ва мотоциклчилар тайёрланади. Бу автомобиль мактаби шаҳримизнинг Собир Раҳимов районидаги Чимбой кўчасида жойлашган.

С. ВОҲИДОВ: Спортнинг картинг турига жуда қизиқаман. Шаҳримизда ёш картингчилар мактаби борми?

Жавоб: Шаҳримизда ёш картингчилар тайёрлайдиган махсус мактаб йўқ. Лекин спортнинг ана шу турини бемалол ўрганишингиз мумкин. Бунинг учун Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаб турган «Ёш техниклар клуби»га учрашишингиз керак. Шу клубда картингчилар тўгараги мавжуд. Бундан ташқари Урицкий кўчасида жойлашган «Ёш техниклар» марказий станциясининг филиалида ҳам бўлгуси картингчилар шуғулланишади.

Н. ЗОКИРОВА: Муқовалари кўчиб кетган эски китобларни қаерда муқоваланиш мумкин? Шу ҳақда билишни истар эдим.

Жавоб: Тошкент «Сервис» фирмаси қошида махсус муқоваланиш цехи бўлиб, бу ерда китоб ва журналларга иккинчи «умр» берилади. Бу цех Фительский кўчасидаги 9-уйда жойлашган. 66-29-76 рақамли телефон орқали бу ҳақда тўлиқ маълумотга эга бўласиз.

АПРЕЛЬ ОЙИ ҲИСОБИГА

«Узавтотехобслуживание» саноат бирлашмасига қарашли «Запорожец» енгил автокомбинатларига техника хизмати кўрсатувчи 7-станция коллективи асосан Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва меҳнат ветеранларига хизмат кўрсатади. Станция ишчи ва хизматчилари иккинчи участкага бўлинган. Бу участкаларга тажрибали мастерлар Н. Ортиқов ва У. Гаффорбековлар бошчилик қилишади.

Станция меҳнат аҳли ҳозир 1979 йилнинг апрель ойи ҳисобига меҳнат қилмоқда.

Б. ОМОНОВ,
студент.

ГАЗЕТХОН ХАБАР БЕРАДИ...

ЯНАДА КЎПАЙТИРИЛАДИ

Ҳамшаҳарларимизни қишда ҳам ёз неъматлари билан таъминлаш борасида Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхозининг теплица комбинати ишчилари самарали меҳнат қилмоқдалар. Улар ҳар куни шаҳарликлар дастурхонига 2—3 тонна помидор, бодринг, редиска жўнатишмоқда.

Комбинатнинг Т. Султонмуродов бошчилик қилаётган лимончилар звеноси ўтган йили ҳамшаҳарларимизга 90 минг ўрнига 132 минг дона лимон етказиб беришди. Шу билан бирга янги, 0,45 гектар майдонда лимонзор ташкил этилдики, бу йил ана шу майдондан янги ҳосил олинади. Шунингдек, 1,5 гектар майдондаги бодринг, помидор ҳам ҳозир гарқ пишиб ётибди.

Аҳил коллектив бу йил ҳамшаҳарларимиз дастурхонига ҳар квадрат метрдан 12 килограмм ёки 200 тонна сабзавот етказиб бериш мажбуриятини олиб ишламоқда.

И. РУСТАМОВ,
хизматчи.

...ТАКЛИФ ЭТАДИ...

ЯХШИ БЎЛАРДИ

Собир Раҳимов районидаги А. Саидов кўчасининг 1-уйига жойлашган 22-ҳаммом яқинда тўла ремонтдан чиқарилиб, аҳоли хизматига топширилди. Лекин бу ерда қулайликлар етарли эмас. Мисол учун кийинадиган жойда оёқни чайиш учун махсус жой ажратилмаган.

Бизнингча Правда Востока кўчасига жойлашган марказий ҳаммомдаги каби шаҳримиздаги бошқа ҳаммомларда ҳам махсус оёқ чаядиган жой ажратиш керак.

Кўпчилик номидан:
М. КАРИМОВ,
хизматчи.

...ТАНҚИД ҚИЛАДИ

ҚАРОВСИЗ БЕКАТ

24 ва 51-автобусларнинг Юнусободдаги сўнгги бекати кўп йиллардан буён қаровсиз. Бу ерда офтоб ва қишда ёғин-сочин ҳимоя қиладиган бирорта соябон ҳам йўқ. Соябон бўлмагандан кейин автобус кутувчилар учун ўриндиқлар ҳам йўқ. Чол ва кампирлар, болали аёллар ўринсиз йўқлигидан жуда қийналмоқда.

25, 28, 29-трамвайларнинг Юнусободдаги сўнгги бекати ҳам ана шундай қаровсиз аҳволда. Илгари бу ерда биттагина ўриндиқ бор эди. Ҳозир у ҳам йўқ.

«Главташпассавтотранс» ва шаҳар трамвай-троллейбус бошқармаси, Киров район ободонлаштириш бошқармаси раҳбарлари бу ҳақда ўйлаб кўришлари зарур.

Т. ТОЖИХОНОВ,
пенсионер.

• *Шаҳримиз мактабларида*

Фан ҳафталиги

Ўқувчиларнинг мактабда олган билимларини мустаҳкамлашда дарсдан ташқари ўтказилаётган тадбирлар гоят қўл келяпти. Шу мақсадда Олим Хўжаев номли 21-ўрта мактабда фан ҳафталиклари ўтказилди. Ана шу ҳафталиклар пайтида олимлар, маданият ва санъат ходимлари билан учрашувлар уюштирилди.

Кейинги ҳафталик Ўзбекистонда математика фанининг тараққиётига бағишланди. Ҳафталикнинг охирги куни ўтказилган якунловчи кеча гоят қизиқарли ўтди. Кечага мактабни ўз оталигига олган Романовский номли математика институтининг олимлари келишди.

Институт директори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси М. С. Салоҳиддинов, физика - математика фанлари доктори, профессор Т. А. Азларов, фан кандидатлари А. Н. Старцов ва Ш. А. Ҳошимовлар математика фанининг истиқболи ҳақида гапириб беришди.

Академик М. С. Салоҳиддинов ана шу фаннинг тарихи ҳақида фикр юритар экан, алгебранинг асосчиси, «Алжабр» китобининг автори Ал-Хоразмий, ўз даврининг буюк олимлари Улуғбек, Муҳаммад Ҳавофий, Қозизода Румий, Али Қушчи ва бошқаларнинг фаолиятини қизиқарли мисоллар билан сўзлаб берди. Ўзбекистонда математика фанини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган олимлар В. И. Романовский, Т. Н. Қориниёзий, Т. Саримсоқов, С. Х. Сирожиддиновларнинг фаолияти ҳам кўрсатиб ўтилди. Математика институтида шу кунларда олиб борилаётган ишлар ҳақидаги маълумотлар ҳам ўқувчиларни гоят қизиқтирди.

Учрашув охирида математика фани бўйича викторина ўтказилди.

Р. ОҚИЛОВ.

Сўраган экансиз...

Аҳолини рўйхатга олиш қачон бошланган?

Кўплаб оқшомхонларимиз редакциямизга мактуб йўллашиб аҳолини рўйхатга олиш қадим замонларда ҳам бўлганми деб сўрашибди. Бугун биз Тошкент Давлат университети география факультети қошидаги Ўрта Осиё аҳолишуослик илмий-проблематик лабораториясининг мудири, география фанлари кандидати, доцент О. Б. Отамирзаевни оқшомхонларимиз хати билан таништириб, унга бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.

— Аввало аҳолини рўйхатга олиш тарихи ҳақида гапириб берсангиз.

— Қадим замонларданоқ аҳолини рўйхатга олиш учун эҳтиёж сезилган. Қадимги Миср, Вавилонда, Греция ва Римда аҳолини ибтидоий ҳолда рўйхатга олишган. Давр ўтган сайин аҳолини рўйхатга олиш такомиллаша бориб, капиталистик муносабатлар қарор топгач аҳолини ёппасига ва мунтазам равишда рўйхатга олиш бошланди. Мамлакатимиз территориясида дастлабки аҳоли рўйхати 1897 йилда ўтказилган. Бу тадбир 1 Бутунроссия аҳоли рўйхати номи билан тарих саҳифасига киритилган. 1897 йилдаги бу рўйхат чор Россияси аҳолисининг биринчи ва бирдан бир умумий рўйхати бўлди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабасидан сўнг 1920 йилда доҳиймиз В. И. Ленин декрети билан Совет-лар мамлакатида аҳоли рўйхати ўтказилди. Шунингдек 1926, 1939, 1959, 1970 йилларда ҳам Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатлари ўтказилди.

— Аҳоли рўйхатини ўтказиш қандай тартибда олиб борилади?

— Белгиланган программага мувофиқ аҳоли рўйхати саккиз кун мобайнида, шу йил 17 январдан 24 январгача ўтказилади. Аҳолини аниқ ҳисобга олиш учун рўйхат ҳамма жойда бир кунда шу йилнинг 17 январида ўтказилади. Рўйхат гражданларнинг иш ёки хизмат жойларида эмас, балки вақтинча бўлса ҳам истиқомат қилиб турган жойларида ўтказилади. Махсус тайёрланган ҳисобчилар биноларни айланиб чиқиш йўли билан гражданларни савол-жавобга тутадилар ва уларнинг жавобларини рўйхат формаларига белгилаб ёки ёзиб қўядилар.

Рўйхат ходимларининг асосий қисми маҳаллий корхоналар, муассасалар, колхозлар ва ўқув юртларидан жалб қилинади. Улар рўйхатга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш даврида асосий ишларидан озод қилинадилар. Йиғилган маълумотлар СССР Марказий статистика бошқармасида ва унинг республика, область, ўлка ва район бўлимларида қайта ишлаб чиқилади ва тегишли хулосалар чиқарилади.

— Бу кампания даврида аҳолидан нималар талаб қилинади?

— Рўйхат программасида мамлакатнинг ҳар бир аҳолиси рўйхатдан ўтиши шарт деб кўрсатилган. Юқорида айтилганидек аҳолини рўйхатга олиш савол-жавоб йўли билан олиб борилади. Рўйхат давомида аҳолидан ҳеч қандай ҳужжатлар талаб қилинмайди.

— Озод Бобомирзаевич, аҳоли рўйхатини ўтказишнинг аҳамияти ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Аҳоли рўйхатини ўтказишдан келиб чиқадиган маълумотлар энг тўғри ва тўлиқ ҳисобланади. Программага киритилган саволлар манфаатдор министрликлар, идоралар ва илмий тадқиқот муассасалари ҳамкорлигида тузилган бўлиб, олинган маълумотлар халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларини планли ривожлантириш. КПСС XXV съезди белгилаб берган демографик сиёсатни тўғри амалга ошириш имконини беради. Чунончи, аҳолининг жинси ва ёши тўғрисидаги маълумотлардан келгусидаги меҳнат ресурслари балансларини тузиш учун, ишлаб чиқаришни ривожлантиришни ва янги корхоналар қуришни планлаштириш учун, соғлиқни сақлашни ривожлантириш учун фойдаланилади. Шунингдек, рўйхат натижаларидан мактаблар ва олий ўқув юртлари, мактабгача болалар муассасаларини қуриш, ишчи кучидан оқилона фойдаланиш ва уй-жой фондини кўпайтиришни планлаштириш ва шунингдек жуда кўп соҳаларда фойдаланилади.

Суҳбатни газетхон Ф. ИСЛОМОВ олиб борди.

ХАРИДОР ТАНЛАЙДИГАН СОТУВЧИ

«Халқлар дўстлиги» проспектидаги «Ташхлебторг»га қарашли 31-магазинга кираётган харидорлар юрак олдириб қўйишган. Бу ердан таби тиррик бўлиб чиқиб кетишдан қўрқишади. Яқинда метрополитен ишчиси А. Назаров дўконга кириб қолди.

— Ярим кило сосиска берсангиз, — деди у пештахта олдига бориб.

— Бермайман! — Сотувчи Т. Кобзева худди отасининг мулкини яшираётгандек кўзини олайтирди.

— Нега энди бермас экансиз?

— Майли, фақат 200 грамм беришим мумкин.

— Қани, қаерда ёзилган шунақа қонда?

— Ўзим чиқарганман! Бунақа сосиска сенларга ёқмайди.

Т. Кобзева шундай деди-ю ўзи ёқтирган харидорларга маҳсулотни бериб, ёқтирмаганларга кўзини олайтириб тураверди.

Метрополитен ишчиси А. Назаров бунақа воқеага биринчи марта дуч келаётгани йўқ. Илгари ҳам худди шу ерда гўшт маҳсулотлари устида жанжал бўлган эди. Ўшанда харидорлар навбати билан келиб туришди. Бир одамга гал келганида Т. Кобзева совуққонлик билан эълон қилди:

— Тамом бўлди.

Харидорлар тарқалиб кетишди. А. Назаров нариги бўлимга кириб нон олди. Қайтиб келса Т. Кобзева пештахта остидан ошириб гўшт сотиб ётибди.

— Ҳали тамом бўлди дегандингиз-ку, деди А. Назаров ҳайрон бўлиб.

— Мен хоҳлаган харидоримга сотаман. Гап шу!

А. Назаров шикоят дафтарини талаб қилган эди сотувчи бепарволик билан юзини ўгириб ишини давом эттираверди.

«Нахотки харидор танлайдиган бунақа ўзбошимча сотувчига чора кўрадиган одам бўлмаса? — деб ёзиб ди Халқлар дўстлиги проспекти, 2-уй, 20-квартирада истиқомат қиладиган метрополитен ишчиси А. К. Назаров. — Қачондан бошлаб сотувчилар харидорларни ажратадиган бўлиб қолди. Балки у ўз чўнтагини ўйлаб шундай қилаётгандир».

Т. Кобзевага ўхшаш ўзбошимча сотувчилар чўнтагини ўйлаб шундай қиляптими, бошқа мақсадами бунисини «Ташхлебторг» раҳбарлари, қоласверса Чилонзор райпиш четторги масъул ходимлари текшириб кўришади. Лекин нима бўлганда ҳам юқоридагига ўхшаш ҳурмача қилиқ қиладиган одам совет савдоси системасида ишлашга лойиқ эмас деб ўйлаймиз.

СУВ УСТИДАГИ УЙ

Шундай қилиб, Обводная кўчасидаги 6-уйга одамлар кўчиб киришди. Кўп ўтмай шундоққина уйнинг ёнида яна котлован қазила бошланди. Кўни-қўшнилар бир-бирларидан суриштириб қолишди:

— Нима бўларкан, эгачи?

— Магазин қурилармиш айланай.

— Вой қандоқ яхши. Мушкулимиз осон бўларкан.

Бўлажак магазин ўрнида қазланган котлован шу ҳолича қолиб кетаверди. Ёғингарчилик бошланганидан кейин ҳовуз сувга тўлиб қолди. Албатта, уйнинг яқинида ҳовуз бўлса, унинг атрофида дарахтлар кўкариб ётса бу ҳам ёмон эмас. Лекин котлован ҳовуз учун эмас, бўлажак бино учун мўлжаллаб қазилган эди. Шу боисданми, унга йиғилган сув 6-уй подвалига сизиб кира бошлади. Уйнинг подвали сувга тўлди. Ҳолбуки бу ерда электр, газ, сув коммуникациялари бор. 6-уйда яшайдиганлар ташвишга тушиб қолишди. Булар ўзларига хизмат қиладиган, 56-ЖЭКка учрашиб мавжуд аҳвол ҳақида бир неча марта шикоят қилишди.

Ҳамкулласиз, кулласиз

— Уйимизни сув босиб кетай деяпти.

— Амаллаймиз.

— Иссиқ сув келмай қўйди.

— Чора кўрамиз.

Аммо на «амаллаш», на «чора кўриш»дан дарак бор. Шикоят йўллаган бир қанча газеталар тезрок чора кўришни илтимос қилишибди. Уларнинг ташвиши ўринли.

ҲУШЕРБЕК.

▲ РЕДАКЦИЯГА ХАТ

ҚОРОНҒИ КЎЧА

Қуйбишев районидаги Геологическая кўчасида истиқомат қилувчилар, айниқса ёш болалар, мактаб ўқувчилари қиш фаслида жуда қийналишади. Негаки, кўчада йиғилиб қолган ахлатлар, халқоб йиғинди сувлар, лойгарчиликлар етмагандек милт этган чироқ ҳам кўринмайди.

Кеч соат саккиздан сўнг ёшлар эмас, ҳатто катталарнинг ҳам бу кўчадан ўтишга юраги дов бермайди. Чунки қоронғида лойга ботиб қолиш ёки ёғингарчиликдан сўнгги халқоб сувга тушиб кетиш аниқ.

Қуйбишев район ободонлаштириш бошқармаси раҳбарлари қачон бизнинг кўчага эътибор беришади?

Аҳоли номидан:
С. АБДУЛЛАЕВ.

Комсомол аъзоси Васила Қирғизбоева Ленин орденли Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат қилади. Бу чевар ишчи вақтдан ўзиб ишлаб келгуси йил ҳисобига маҳсулот топширмоқда.

СУРАТДА: В. Қирғизбоева иш устида.

К. Исоқов фотоси.

ТОШКЕНТ тарихидан 100 лавҳа

ЧОЙХОНА ҲАҚИДА

8-лавҳа

«Бир пиёла чой — танга қувват» дейишади халқимизда. Ана шу оддий сўзларда ҳар бир халқнинг ҳикматли сўзлари каби бир талай маъно бор. Айтайлик сизнинг бугунги меҳнат кунингиз бирмунча машаққатли, ташвишли бўлди. Кун бўйи кўп югурдингиз, асабингиз ошди, хулласи чарчадингиз. Ана шундай пайтда чойхонага кириб бораверинг. У кумуш рангли бақатеракларнинг бағрида, шалдираб оқаётган ариқли ҳовузнинг бағрида жойлашган. Бу ерда шишадек тиниқ сув ўзининг муздек шабадаси билан сизга ҳузур бағишлайди, қиш пайтларда эса бир пиёла хушбўй аччиқ чой танангизни иситади. Чойхонага кириб соя-салқин жойларга қўйилган сўриларга чиқинг, хонтахта атрофидаги майин кўрпачаларда ўтиринг. Хонтахта устига қўйилган оппоқ парвардалар, олтинсимон товланувчи новвотлар, оғизда эриб кетадиган ҳолвалар, юмшоқ пашмаклар, ширин-шакарлиги тилни ёрадиган узумлар... Кичкинагина, чиройли чинни чойнакнинг жўмрагидан олтин ҳалли пиёлага чойни оҳиста қуйинг. Шарқ меҳмоннавозлигига кўра пиёлага чой жуда ҳам оз қуйиладн. Бир неча қултум ичишингиз билан ўзингизни қандайдир енгил ҳис қиласиз. Кайфиятингиз кўтарила бошлайди, атрофдаги кишиларнинг ўзига хос ширин гурунги сизни маҳлиё этади, чарчоғингиз ёзилади, эндигина тандирдан узиб олинган оби-нон эса янада иштахангизни очади. Шундай қилиб бир пиёла чой сизга янги руҳ, куч-ғайрат бахш этади. Қадимий қўлёзмаларда чойнинг киши организмига фойдали таъсири ҳақида кўпгина маълумотлар келтирилган. Ана шулардан бирида ёзилишича, «Чой кишининг кайфиятини кўтаради, юракнинг чарчоғини ёзади, янги фикрлар уйготади ва кишига қандайдир ғайрат бахш этади».

Бир неча пиёла чойни ярим ичганингиздан кейин донишмандларнинг чой ҳақида айтган қимматли сўзлари накадар ўринли эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Ана шундан кейин чойхона ўз-ўзидан сизга ёқиб қолади.

Бизнинг Шарқ чойхоналаримиз учун ўтмишда ёки ҳозирда мос келадиган бирорта ором масканларини излаб топиш қийин. Ўрта асрлардаги шаҳарларда гавжум бўлган ошхоналар, Америкадаги қаҳвахоналар, бугунги кафелар, қанчалик гавжум бўлмасин бирорта фазилати билан бизнинг чойхоналаримиз билан тенг бўлолмайди. Уларда ҳаддан ташқари дабдабали музика, ҳар хил қувноқ ўйинлар кишига ором бериш ўрнига уни чарчатиб юборади. Шарқ чойхоналарида эса бутунлай бошқа манзаранинг гувоҳи бўласиз. Бу ерда оҳиста ширин суҳбат қуриш, мириқиб дам олиш, таниш-билишлар билан учрашиш, уларнинг янгиликларини тинглаш дам олувчига таскинлик беради. Оддий меҳнат кунидан кейин эса оқилона дам олабилиш, чарчоқни ёзиш ўзига хос санъатдир. Чойхона эса ана шу дам олиш санъатининг ажралмас бир қисми ҳисобланади.

Бугунги Тошкент — янги қурилишлар, янги уй-жой массивлари, майдонлар, проспектлар бунёд этилаётган шаҳар. Янги массивлар бўйлаб қадам ташлаб борар экансиз ана шу ерда бундан бир неча ўн йиллар муқаддам қандай уйлар бўлганлигини қийинлик билан эслайсиз. Фақатгина кекса отахонларимиз ана шу жойларда пахсали деворлардан ўраб олинган ховлилар, арава аранг сиғадиган ингичка кўчалар, пастак уйлар бўлганлигини эслашади. Ҳозирги ҳашаматли Навоий кўчасининг ўтмишдаги манзараси ҳам ана шундай эди. Оталаримиз қадимги пайтларда ҳар бир кўчада, ҳар бир гузарда, ҳар бир бозорда, Эски шаҳарнинг ҳар бир соя-салқини жойида чойхоналар бўлганлигини яхши биласиз... Тошкентда революцияга қадар 600 га яқин чойхона бўлиб, уларнинг бир йиллик товар оборoти 1 миллион сўм атрофида бўлган. Чойхона биринчи навбатда кишиларнинг дам олиш жойи бўлганлиги учун ҳам уларни гавжум йўлларнинг чеккасида, қайғароч, ёнгоқ дарахтларининг соя-салқини бағрида, албатта суви шалдираб оқадиган ариқ лабида қуришга ҳаракат қилишган. Табиий ховуз атрофида чойхоналар эса ўз-ўзидан оммалашиб бораверган. Чунки уларнинг муздек ҳавосидан кишилар баҳра олган.

Одатда чойхонада тонг саҳарда ёки чошгоҳда савдогарлар, ҳунармандлар, оддий кишилар дам олиш учун, сўнгги янгиликларни бириш учун, дўстлари билан суҳбат қуриш учун йиғилишган. Худди ана шу ерда қизғин аскиявозликни роҳат қилиб тинглашган.

— «Чойхонада учрашамиз» — бу сўз шу кунларда кўп ишлатиладиган «Соат олтида курантда учрашамиз» ёки «Эртага метро станциясида кутинг» сингари ибораларга ўхшаш тушунарлидир.

Ҳар бир чойхонанинг доимий чойхўрлари бўлган. Бу кишилар қаерда ишлаши, касби ким бўлишидан қатъий назар ҳар куни чойхонага кириб ўтган, бир пиёла чойни маданият ва истироҳат боғида жойлашган чойхонага адабиёт ва санъат ҳодимлари тез-тез келиб туришган. Ана шу ерда санъаткорларнинг энг қизғин гурунги бўлган, улар ўзларининг ашулаларини айтиб, ҳамкасбларини ва дам олувчиларини хурсанд қилишган. Собир Раҳимов номли боғда жойлашган отахонлар чойхонаси ҳам ўзига яраша шуҳрат қозонган.

Талантли шоир Мақсуд Шайхзода Тошкентнинг жуда кўп кўчаларини кезиб чиққан, кўплаб чойхоналарда шоирлар билан суҳбат қурган. У ўзининг «Тошкентнома» достонини ёзаётганида балки шу чойхоналар ҳам унга қандайдир бирорта фикр бергандир:

Менинг паспортимни сўрасанг
агар,
Мен эски тошкентлик...
жойим —бу шаҳар
«Тошкент» шаҳри деган муҳр
менга бас!
Ховлим, магазиним, чойхонам
шунда,
Ёзда чанқамаган чой қадрин
билмас,
Кўк чойнинг нақши бор ҳар
бир кошинда.

Ана шу чойхонага марҳамат қилсангиз оқшомлари гурунглашиб ўтирган нуроний отахонларни кўрасиз. Агарда шаҳарнинг ўтмиши ва бугунги ҳаёти ҳақида, унинг қандай ўзгариб бораётганлиги, айниқса Эски шаҳарнинг ҳозирги жамоли ҳақида сўнгги янгиликларни эшитишни хоҳласангиз Октябрь район ошхоналар тестига қарашли 23-оқшона қошидаги чойхонага марҳамат қилинг. Чойхоначи Ортиқ Маҳмудов сизни ҳамиша такаллуф билан кутиб олади.

Одатда чойхонада улфатлар ўзларининг фикрлари, эртанги режалари билан ўртоқлашишади, бир-биридан маслаҳат олишади. Шаҳримизга келаётган меҳмонлар халқимизнинг урф-одатлари, анъаналари билан танишиши истасалар биринчи навбатда чойхонага кириб борадилар. Польша ёзувчиси ва журналисти Здислав Новак Ўзбекистон ҳаёти тўғрисида асарлар ёзиш билан бир неча йиллардан буён шуғулланиб келади. Бу адиб республикамиз ҳаёти тўғрисида 15 та китоб ёзди. Ана шу асарлар учун материаллар тўплаётганида албатта чойхоналарга кириб ўтирган, нуроний отахонларнинг мароқли ҳикоясини тинглаган. Ёзувчи шунинг учун ҳам бўлса керак яқиндагина Польшада нашр этилган навбатдаги китобини «Чойхонадаги суҳбатлар» деб атабди. Ёзувчи бу китобда Тошкентнинг кўпгина чойхоналарини тилга олади, янги қурилаётган массивларни ҳикоя қилади, уларда сақланиб қолаётган қадимий шарқнинг замонавий анъаналари ҳақида фикр юритади. Биз Тошкентдаги машҳур чойхоналарнинг бир нечтасини биламиз. Улар чиндан ҳам шаҳримизнинг фахри бўлиб қолган. Пойтахтимизга келаётган кўп сонли меҳмонлар ҳам ана шу чойхоналарнинг номларини яхши билишади. Луначарский шоссесида қад кўтарган янги типдаги «Салом» чойхонаси ҳам ўзининг виқорлиги билан киши диққатини тортади. Йўл чеккасида. ғужғон дарахтлар бағрида бунёд этилган бу чойхона ҳамиша гавжум. Шаҳар марказидаги «Мовий гумбаз» чойхонаси чет эллик меҳмонлар учун ёқиб қолган. Ана шу номли кафе ёнида жойлашган бу чойхонада шарқнинг қадимий архитектураси ҳозирги даврнинг талаблари билан муштарак топган. Бу ерда саратоннинг яллиғидан ҳимоя қилувчи айвонда, кўрпача, хонтахталар ва бошқа ашёлар дам олувчилар учун муҳайё этилган. Бинонинг қадди-қомати, унинг ички пардозланиши, жиҳозлари шу кунларнинг талабига жавоб беради.

Яқиндагина шаҳримизда яна бир замонавий чойхона — «Самарқанд-дарвоза» пайдо бўлди. У шаҳар марказидан бир мунча узоқда жойлашган бўлса ҳам «Тошкент» меҳмонхонаси олдидан қатнайдиган 22-маршрут таксида 15 минутда етиб бориш мумкин. Кишилар ана шу ерга дам олиш ва бинонинг жозибасини томоша қилиш учун ошиқиб боришади.

Ҳозирги пайтда чойхоналарнинг талай «рақобатчилари» бор. Улар ошхоналар, кафелардир. Уларда бафуржа ўтириб чой ичишга вақт етмайди. Кўпинча шошилиб турган бўламиз. Лекин Тошкентнинг юқори ҳароратли саратони, қишнинг қировли кунлари бизни чойхоналарга тортмасдан қўймайди. Уларда ҳамиша табассум билан кулиб турган чойхоначи кутиб олади ва бизларнинг истагимизни сўз эшитмасдан ноқ тушунади, манзур бўладиган чойни дарров дамлаб беради.

— Саломат бўлсинлар!— дейди у чойнак ва пиёлани узатар экан. Шундан кейин кўпчачада яхшигина ўрнашиб бир пиёла чой ичиб хордиқ чиқарганимиздан кейин «Чойхона ажойиб жой» деб қўямиз.

А. ТЮРИКОВ.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

В. ЖИСКАР Д'ЭСТЭН КЕСКИНЛИКНИ ЮМШАТИШ ТЎҒРИСИДА

ПАРИЖ. Франция Республикаси Президенти В. Жискар Д'Эстэн дипломатия корпуси учун уюштирилган қабул маросимида сўзга чиқиб, Франция тинчлик ва кескинликни юмшатиш сиёсатига содиқ эканлигини тасдиқлади.

Франция, — деди у, тинчликка интилаётган мамлакатларнинг биринчи сафларида турибди. У 1979 йилда шу мақсадга эришиш йўлидаги хамма ҳаракатларда қатнашади. Шу муносабат билан Президент халқаро кескинликни юмшатиш сиёсатини тинмай кенгайтириш ва чуқурлаштириш лозимлигини айтди.

В. Жискар д'Эстэн шунингдек Яқин Шарқдаги можарони кенг кўламда бартараф этиш зарурлигини уқтириб ўтди. Бусиз деб таъкидлади у, бу районда адолатли ва мустаҳкам тинчликка эришиш, шунингдек Африка жанубида мустамлакачиликни тугатиш жараёнини ниҳоясига етказиш мумкин эмас.

«АФГАНИ МОАСЕЛАН» ЖУРНАЛИНИНГ БИРИНЧИ СОНИ ЧИҚДИ

ҚОБУЛ. «Афгани моаселан» журналининг биринчи сони бу ерда босмадан чиқди. Журнали олий таълим министрлиги чет мамлакатларда ўқиётган афғонлар учун нашр этмоқда. Журналнинг биринчи сонида апрель революциясининг мақсад ва вазифаларни тушунтирадиган материаллар, ҳукумат қарорлари, шунингдек Афғонистон Халқ-демократик партияси биринчи съездининг 14 йиллигига бағишланган материаллар босилган. Журнал ойда бир марта чиқарилиб, чет мамлакатларда билим олаётган ёш афғонларга юборилиб турилади.

ЯНГИ ШИФОХОНА ОЧИЛДИ

УЛАН-БАТОР. Машҳур «Могойн Рашан» минерал манба яқинида жойлашган Хяргас-Нур кўли соҳилида янги курорт шифохонаси очилди. Энди бу районда жойлашган қишлоқ кооперативларининг чорвадорлари шифохонада дам олиши ва даволанишлари мумкин.

Қишлоқ хўжалик бирлашмалари социал тараққиётнинг кенг программасини амалга ошира бориб, соғломлаштириш тадбирлари учун ҳар йили анчагина маблағ сарфламоқдалар.

ИСЛОҲОТ ЙЎЛИДАН

ПАНАМА. Панама президенти Аристидес Ройо бундай деди: бундан ўн йил муқаддам бошланган прогрессив ислоҳотлар туфайли Панаманинг сиёсий ва ижтимоий қиёфаси тубдан ўзгарди. Мамлакат учун тўла мустақиллик йўлининг очилганлиги ва Панама диёрида мустамлакачилик сарқитларининг тугатилганлиги мамлакатимиз халқи олиб борган мардонавор кураши натижасидир. У панамаликларни бундан кейин ҳам иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиёт йўлидан олга боришга кўмаклашишга чақирди.

А. Ройо ўзи бошлиқ бўлган ҳукумат 1968 йилда бошланган ислоҳот жараёнини давом эттиради, деб таъкидлади. Ҳукумат миллий бойликнинг ўсишини ва унинг адолат билан тақсимланишини, табиий ресурслардан тўлароқ фойдаланишни, маориф системасини такомиллаштириш, маданиятни ривожлантиришни таъминлашга куч-ғайратини сарфлайди.

Ҳукумат ташқи сиёсат фаолиятининг асосий йўналишлари территориал бутунликни ва миллий суверенитетни ҳимоя қилишдан, ўзаро ҳурмат ва бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик асосида бошқа давлатлар билан алоқани мустаҳкамлашдан иборат бўлади, деди президент.

УМИДСИЗЛИККА ТУШМОҚДАЛАР

ВАШИНГТОН. Эндигина бошланган 1979 йилда Америкада озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи янада кўтарилиши сезилиб турибди. АҚШ қишлоқ хўжалиги министри Р. Бергланд «Ю. С. Ньюс энд уорлд рипорт» журналининг мухбири билан суҳбатда айтишича, янги йилда озиқ-овқатлар ўрта ҳисобда 6—10 процент (айрим турдаги молларга 14 процентгача) қимматлашади.

ЯНГИ МАРКАЛАР

ХЕЛЬСИНКИ. Финляндия почта ва телеграф бошқармаси бу йил 28 хил янги почта марказини чиқаради. Бу эса ўтган йилдагига нисбатан қарийб икки баравар кўпдир.

Рассомлардан Пиркко Вахтеро, Торстен Экстрем ва бошқалар яратадиган почта миниатюралари жумладан болаларнинг халқаро йилига, халқ анъаналарига, йирик спорт мусобақаларига бағишланади. 10 меркадан иборат серия мамлакатнинг турли районларидаги фин деҳқонларининг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади.

(ТАСС).



Сизаль — Мозамбик Халқ Республикаси экспорт қилувчи асосий экинлардан бири. Мамлакатда ана шу муҳим экинни етиштириш бўйича давлат ва кооператив хўжаликларини ташкил этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳукумат деҳқонлар бирлашмаларига катта ёрдам бермоқда, уларга мутахассисларни, техника, уруғликлар ва ўғитларни етказиб бермоқда.

СУРАТЛАРДА: Замбезия вилоятидаги «Борор» давлат хўжалигида сизаль экинини иништириб олиш ва қайта ишлаш.

АДН—ТАСС фотоси.

Т. ҚАИПБЕРГЕНОВ.

ГУМРОҲЛАР

Романдан боблар

Бош вазирга билдирган таҳминларининг тўғри чиққанидан, эшоннинг юрагига ғул-ғула тушиб қолган эди. «Епирим-ей, хон саройида сенинг тўғрингда гумон туғилса, тамом. Бу ишда сенинг ҳам қўлинг бор, деб айблашмаса ғўрга эди, деган ваҳима билан Қорақум эшон бош вазирнинг олдига қўрқа-писа кирди, унинг чеҳрасида ёлбориш, ўтинч ифодасини кўриб, кўнгли таскин топди, бир оз енгил тортди.

— Менинг таҳминларим тўғри чиққанини кўрдингизми?

— Кўрдим. Энди нима қилиш керак, маслаҳат беринг...

— Улуғ хоннинг ҳузурига кириб, кечаги берган буйруғингиз ҳато бўлди чиқди-ку, дейиш, дорнинг тагига бориб, ўз бўйнингизга ўзингиз сиртмоқ тортишингиздай гап. Турменинг ўзимни хоннинг ҳузурига бошла.

— Нимага? Қорақалпоқларнинг бу ишларида хон даражасида ақл кўрдингизми?

— Ундан ҳам юқори! Ўрис ақлини кўрдим.

Бош вазирнинг таҳликага тушиб қолганини эшон сезмади. Шунча вақтдан бери ўрис ақлини пасга уриб юргани ҳам ёдидан кўтарилиб, миясини банд қилиб ётган энг сўнгги фикрини қари хонга тезроқ айтишга шошиб қолди. Унинг ҳовлиқиб қолганига чарчаган бош вазир унча эътибор бермади.

— Кўйга йўлбарс терисини ёпган билан йўлбарс бўлармиди?

— Бўлолмайди, аммо қўрқитади. Болта кесмайди, уста кесади. Тезроқ хоннинг ҳузурига юринг.

Кенжамудотнинг йигитлари «ўрис девор» деб аташган жой чиндан ҳам девор. Унинг баландлиги ҳам, узунлиги ҳам зиндон ўралган девор билан бир хилда. «Суворов усулини» ўргатиш учун бу деворни қор, совуққа қарамай Михайлов қурдирган эди.

«Ўрис девор»га яқин тўқайга катта қўш ўрнатилган эди. Унинг ичи унча-мунча бойларнинг ўтовидан илиқ, кигизлар, туркман гиламлари тўшалган. Олакўзга унинг «ўрис девори» деб аталиши ҳам, жойлашган ери ҳам маъқул тушди.

— Гиламларни Аннамуротлар олиб келишди,— деб тушунтирди Эрназар бола.

Олакўзнинг йирик-йирик кўзлари юмилиб, уни уйқу босиб келаётганини сезди-да, ҳамма гапларни мерганлар тўпланишгандан кейин гаплашармиз деб уни ўрингa етқизиб қўйди.

Эрназар эртасига анча ўзига келиб уйғонди. Эрназар бола бу орада ҳол дамлаб ҳам улгурибди. Аммо бошқаларнинг шу маҳалгача етиб келмагани уни бир оз ташвишга сола бошлади.

— Улар қаерларда тўхташди?

— Тўқайларда. Изимиздан тушганларнинг йўлини тўсишади.

— Бу яқин орада қандай ишларни амалга оширяпсизлар?

— Сиз йўғингизда бизга Михайлов бошчилик қилди, — деди Эрназар бола чой кўйилган пиёласини ерга қўйиб. — Жуда ақлли, билимдон одам экан. Хон лашкари билан солиштирилганда кучимизнинг заифлигини ҳисобга олиб, кўп ақлли нарсаларни ўйлаб топди. Бизлар Эрназарни кутқаргани борганимизда шаҳарда лашкар кўп бўлмаслиги керак деб, бир кун олдин Аннамуротларни ўнбештача отлиқ билан шаҳарга ҳужум қилдирди, хонни ўчакиштириб қўйди. Улар ҳам иккитадан бўлиб саккиз томонга қараб қочишди. Бизнинг ҳам саккиз томонга қараб қочишимиз кераклигини ўша тайинлаган. Келажакда нима ишлар қилишимизни маслаҳатлашмаганмиз. Фақат унинг бир айтган гапи шу бўлдики, Эрназар зиндондан озод қилинса, у ёғига нима қилсаларинг ўзларинг биласизлар, деди.

Эрназар олакўз қўлидаги чойга тикилганича ўйланиб қолди.

Аллақачон уйғонган бўлса ҳам туришга эринибми, ҳамма гапларни жим эшитиб ётган Тенгел гапга аралашди.

— Эрназар оға, агар зиндондан эсон-омон қутилсак, ўрис подшолигига борамиз, деган эдингиз-ку?

— У гапим эсимдан чиққани йўқ.

Қўшни ташқаридан тақиллатиб келиб, ўн тўрт-ўн беш ёшлардаги бола эшикни очиб салом берди. Кийимлари жулдур бу боланинг келишини ҳеч ким кутмаган эди. Эрназар бола кўзлари ола-кула бўлиб, уни қувлаб юбормоқчи бўлди-да, ялт этиб Эрназарга қаради. Тенгел иккала йигитдан ҳижолат тортиб, дарров унинг ёнига ўтдида, у билан худди катта одам билан сўрашгандек қўл олиб сўрашди.

— Ҳа, Қаллибек!

Эрназар олакўз Қаллибекни энди эслади. Бир вақт олдидан чиқиб садақа сўраб, қўлини тутганида Эрназар унга бергулик ҳеч нарса топаолмай, бу етим болага гапдан ютқазиб кетган эди.

Эрназар бола Қаллибекнинг Олакўзга таништилигини фаҳмлаган бўлса ҳам мабодо айғоқчи эмасмикан деган шубҳага бориб, уни саволга тутди.

— Сен бола бу ёқларда нима қилиб юрибсан?

Қаллибекнинг оқ-сариқдан келган озғин юзи қилт этмади, у Эрназар боланинг юзига дадил қаради.

— Овулда «ўрис девор» ҳақида анча гаплар тарқалган эди, ўз кўзим билан бир кўрайчи, деб излаб чиқиб келавердим.

— Йўлдошларинг қаерда? Ким деганнинг ўғли бўласан?

— Бундай сирли нарсани кўпчилик бўлиб изламайди, бир ўзим юрибман. Отам Бекжон исмли камбағал деҳқон эди.

— Қайси уруғдан бўласан?

— Биз етимлар бир-биримиздан уруғимизни, миллатимизни суриштирмаймиз.

Эрназар олакўз, Қаллибекнинг жавоби маъқул тушиб, мийғида қулиб қўйди.

—Қаллибек, мен сенга савол берсам, жавоб бера оласанми?

Еши катталар, эл оғалари ўзларига маъқул тушган эшларни синаш учун саволлар бериб кўриши эскидан қолган удум. Аммо етимларга савол бериш ҳоллари жуда камдан-кам учрайди. Чунки кўпчилик улардан ақлли гап чиқмаса керак, деб ўйлайди. Қаллибек яхши пайтда келиб қолганидан хурсанд бўлиб ишшайидида, учишга ҳозир бўлиб турган қушдай, жавобга тайёр турди. Боланинг сира ҳам тортинмай, бемалол ўтиришини кўриб, Олакўз уни яна ҳам яхши кўриб қолди. Қаддини ростлади.

— Қани айтчи, тилимиздаги энг ёмон сўз қайси сўз?

— Тилимиздаги энг ёмон сўз бировни мақтатирадиган сўз.

Эрназар бола ҳам унинг жавобидан ҳайрон бўлиб қолди. Олакўз Қаллибекнинг жавобидан қаноат ҳосил қилганини сездирмасликка ҳаракат қилиб, унга яна битта савол берди.

— Элда кимларни бахтли, кимларни бахтсиз деб ўйлайсан?

Қаллибек юпқа лабларини пичирлатиб, нима деб жавоб қилишини билмай, ерга қараб қолди.

— Бу саволингизга дабдурустдан жавоб бериш жуда қийин, Эрназар оға. Чунки бахтни, бахтсизликни ҳар ким ҳар хил тушунади. Менимча умрни, бошқа нарсаларни ким кўп билса, ўша бахтли. Агар айрим оилалар тўғрисида гапирадиган бўлсам, эркаги ёмон бўлган уй ярим бахтсиз, хотини ёмон эса, бутунлай бахтсиз бўлади.

Ёшгина етим боланинг кекса-қариларга ўхшаб ғапириши ҳам, жавобининг ёшига нисбатан салмоқдорлиги ҳам иккала Эрназарни таҳ қолдирди. Эрназар бола чидолмай, савол берди:

— Бу гапларни сен қаердан биласан?

— Етим биттагина уйдан насиба термайди, оға. Агар шу ёшимга етгунча мен отонасида бош эгмаган хонадон қолмаган десам, ёлғон гапирмаган бўламан. Қўлимга бир бурда нон ушлатганлар ҳам, ушлатмаганлар ҳам, ишқилиб, кўнгил сандиғимга бирон нарса тиқиб юборишарди-да.

Эрназарнинг нияти мерганларини ёнига олиб ўрис подшолигига кетаётганида Тенгел билан Бердақни бирга ола кетиб, уларни Оренбургда ўқишда қолдириш эди. Энди унга Қаллибек ҳам жуда ёқиб қолди.

— Агар сени бегона юртга жўнатсам, борасанми?

— Бошқа элатларда бўлиб, бу фоний дунёнинг баланд-пастини, одамларини яхшироқ тушуниб яшашдан ҳам ортиқ бахт бўлмаса керак, деб ўйлайман, Эрназар оға.

— Эрназар,— деди Олакўз.— Ўрис подшолигига бориш ниятинг ўзгарганича йўқми?

— Менинг ўша гапим гап.

Эрназар энди Михайлов билан бошқа мерганларнинг етиб келишларини ориқиб кута бошлади. Ўшанда бирга боришга розилик берган ўнбошилар ҳам айнаб қолмаган бўлса, тўпни бузмасдан, тўғри ўрис подшолигига қараб йўл олиш керак.

Қош қорайганда Мадрайим билан Муҳаммадкарим қайтиб келишди.

— Сизлар уч киши эмасмидиларинг,— деди Эрназар бола ташвишга тушиб.

— Бектўра қўлга тушиб қолди.

— Нима дединг? — деб сўради Эрназар бола рангидан қони қочиб.— Қаерда?

— Бизларни дордан ошириб, ўзи энди кўтарилаётган эди, оёғидан кимлардир тортиб қолди. Биз қочдик.

—У ярамас энди Хива лашкарини шу ерга бошлаб келади, десангчи!

— Энди ёлғиз йўлимиз, жойимизни ўзгартиришимиз керак. —деди Эрназар олакўз. — Михайлов билан Кенжамуротлар нега кечикиб қолишди экан-а?

— Улар Туямўйиндан, Зарликлар Хўжайлидан йўл босиб келишади-да. Ўртага нохуш сукунат чўкди. Қаллибек билан Тенгел катталарнинг гапларига қулоқ солмай, бир чеккада ўзлари гаплашиб ўтиришган эди.

— Қаллибек, — деди Эрназар, — сен Бектўра деган болани яхши билармидинг?

— Билар эдим. Аммо у кейинги вақтларда йўқ бўлиб кетган.

— Қанақа бола эди?

— Ақлли, сабрли бола.

— Сир сақлай олармиди?

— Оғзига маҳкам бола. Баъзан биз етимлар билан учрашиб қолганида баъзиларимиз корни тўқларнинг бемехрлигидан шикоят қилиб қолсак, «оч бўлиб кўрмаган одам очлик нималигини, очнинг ҳолини тушунмайди. Чида, чидамлилик бутун халқимизга хос эканлигини ҳаммага кўрсат», дегучи эди.

— Бир ташқарини айланиб келинглар.

Тенгел билан Қаллибек ташқарига чиқиб кетишди.

— Йигитлар, энди ҳамма тўпланмагунча уйқу бизга ҳаром, — деди Эрназар. — Гаплашиб ўтирайлик. Мадрайим, айт, келажакда қандай режаларинг бор?

— Юрт тинч бўлса, янгидан уй қуриш.

— Кўз остингга олганинг борми ўзи?

Мадрайим хурсанд бўлиб сайраб кетди.

— Ўзингиз биласиз, йигит киши яхши хотинга учраса бутун қайғуси ярим бўлади, ярим қувончи эса бутунга айланади. Мен шундай аёллар борлигига сира ишонмас эдим. Яқинда шундай аёлларнинг ҳам борлигига ишонч ҳосил қилдим.

Мадрайим хурсанд бўлиб, танглайини қоқиб қўйди, бошини чайқади. — Эшитсангиз, ўша гўзалнинг исми Гулзебо, — деди у фахонни яширолмай. — Ростини айтсам, мен уни ҳаммадан қизғанаман.

Муҳаммадкарим уни тирсаги билан турди.

— Единда бўлсин, бечора йигит, эр-хотин ўртасидаги қизғанишни қутурган итнинг ҳолатига солиштириш мумкин, қутурган ит эгасини қопади, ўғрини уйга киргизади. Мадрайимнинг хурсанд чеҳраси биздан тундлашди, қовоғи уйилди. Муҳаммадкаримнинг энди унга раҳми келди.

— Эрназар оға, бизлар анча содда эканмиз, Сержанбой бало экан, оз фурсат бўлса ҳам яхши хотин билан даврон суриб ўтди.

— Қазо қилдими?

— Ҳа, бечора бандачиликни бажо келтирди. Сизларни ҳайдаб кетган куни ўлиптти. Барча мерганлар уйингиз олдида тўпланиб маслаҳатлашаётсак, мотам либосини кийиб Гулзебо келиб қолди. Қора кийимдаги бундай гўзал аёлни умрим бино бўлиб кўрмаганман. Қош-қовоғини уйиб, киприкларини найза қилиб бизга чолининг вафот этганини маълум қилди. Кейин сизларни ҳайдаб кетишганини хабар қилди бизга.

— Ҳа, у ақлли аёл, — деди Эрназар совуққина. — Хўш, мана, Мадрайимнинг нияти билан ошно бўлдик. Муҳаммадкарим, сен нималарни ўйлаб юрибсан?

— Читтакнинг ҳар уяга қўнгани эмас, ўзига уя қуриб олгани кишини ҳайрон қолдиради, деган гап бор. Мен ҳозир читтакман.

Эрназар бола ўзи тўғрисида гапирмай, элнинг бирлиги тўғрисида гап бошлаб, Эрназар олакўзни қутқариш учун бутун халқ ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилганини, тўпланган пулларни Сойибназар, Мамитлар Фозилнинг бошчилигида Хивага олиб кетишганини, улар ҳалигача ҳам Хивада юришганини ҳикоя қилиб берди.

— Ҳаммангизда ҳам миннатдорман, — деди Эрназар ва ҳаёлга чўмди. «Ўшаларнинг олиб борганини қоровуллар адаштириб, нега хотининг келди, хотининг олиб келган катта бойлик эвазига сени қутқарамиз, дейишди экан-а? Фозил анча тапқиргина йигит, хон гапимизга қулоқ солмаслиги мумкин деб кўркиб, қоровулларни хотинимнинг номи билан сотиб олдимикин-а. Чиндан ҳам ҳаммалари ҳаккадай зийрак йигитлар, мабодо қоровуллар хонга айтиб қўядиган бўлса, «қўлга тушиб қолмайлик» деб ўйлашган-да... Кошки хотиним шунақа тадбиркор, ақлли аёл бўлса...»

Тонгга яқин от дупури қулоққа чалинди, улар ховлиқиб отларига қараб югуришди. Аммо бу келганлар Зарликлар бўлиб чиқишди. Кун чиқишига қараб йигитлар жуфт-жуфт бўлиб кела бошлашди. Яна уч кун ўтганидан кейин, энди ҳаммалари «улар қўлга тушиб қолишган бўлса керак» деган фикрга бора бошлаганларида тўқай этагида отларини ёнма-ён ҳайдаб келаётган Михайлов билан Кенжамуротни кўриб қолишди. Уларнинг қора терга тушиб кетган отларининг устида ўтиришларини кўриб, ҳамма уларнинг қанчалик чарчаб кетишганини пайқашган бўлишса ҳам, кайфлари бузилмади, назарларида улар катта бир янгилик олиб келаётганга ўхшаб туюлишди.

(Давоми бор).

▲ НОДИР ТОПИЛДИҚЛАР

МУҚИМИЙ ҒАЗАЛИ

Ғафур Ғулом номли Қўқон адабиёт музейининг экспозицияси ажойиб бир топилдиқ билан тўлдирилди. Маҳаллий тадқиқотчилар бундан етмиш йил муқаддам ипак қоғозга номаълум котиб томонидан ёзилган, ҳажми 254 саҳифа қўлёзма тўплами қидириб топдилар. Муқимийнинг жонажон ўлка жамолини васф этувчи, ҳозиргача номаълум бўлган ғазали адабиётчиларнинг ғоят қизиқишига сабаб бўлди. Қўлёзма баёзда бундан ташқари Навоий, Завқий, Фурқат ва бошқа машҳур шоирларнинг ғазаллари бор.

УЗОҚ ЎТМИШ БУЮМЛАРИ

Ўзбекистон археологлари бундан 20 аср аввал ясалган нарда-ларни ўйнаш имконияти-га эга бўлдилар. Улар Бухорода 17 метр тупроқ қатлами остидан ана шу ўйин тошлари тўла комплектни топдилар. Бу ерда шаҳарнинг энг кўҳна ёдгорликларидан бири— Тоқи Заргарондан сал нарида янги археологик қазишмалар бошлаб юборилди.

Дастлабки тадқиқотлардан бошлабоқ ҳар хил идишлар, чироқлар, тангалар, ёввойи тўнгиз тасвири туширилган маросим идиши ва бошқа кўп нарсалар топилди. Узоқ ўтмиш буюмлари олимларнинг қадимги шаҳар маданияти ва турмушини яхшироқ билиб олишларига кўмак беради.

(ЎзТАГ).

(Давоми. Бошқа газетанинг ўтган сонларида).

ҚУМ БОСГАН ТАРИХ САҲИФАСИ

Термиз яқинида қазиб очилаётган ибодатхона— «Кҳадевакавихара» — «Шоҳ манастри» деган маънони билдириши аниқланди. Туркий ва санскрит сўзларидан тузилган бу ном сопол идишларда сақланиб қолган. Идишларнинг ёши қарийб икки минг йилга боради. Идишлар ўша вақтларда Ўрта Осиёнинг шу катта будда ибодат марказига ҳадя этилган.

Ибодатхона I—IV асрларда Покистон, Шимолий Ҳиндистон, Афғонистон, Ўрта Осиёнинг жанубий территориялари да ҳукм сурган қушонлар подшоҳлиги даврида қурилган. Вақт ва урушлар иншоотларнинг ер устидаги қисмини вайрон қилган. Аммо ер остида нимани қурилган бўлса, ҳаммаси яхши сақланган. Қум-тош ўйиб ишланган ибодатхона гумбазлари улуғвор. Деворлардаги ранг-баранг расмлар монахлар қуршовида ўтирган буддани тасвирлайди.

— Ҳозирга қадар ҳатто Ҳиндистонда ҳам будданинг бу қадар эрта ишланган тасвири топилмаган,— деди экспедиция раҳбари, Марказий Осиё маданиятини ўрганиш совет комитетининг аъзоси Б. Ставиский. — Қушонлар даврига қадар қадимги рассомлар уни кўпинча нилуфар гули ҳолида чизиб келар эдилар. Бу ерда йиғилган қушонлар даврига онд ҳинд ёзувлари коллекцияси жаҳонда энг бой коллекция бўлиб чиқди. Зиёрат қилиш учун келганлар, савдогарлар, аскарлар қолдирган ёзувлар ҳам топилди.

(ТАСС).

● *Интернационал дўстлик клубларида*

ҲАМОҲАНГ ДИЛ ҚЎШИҒИ

Тошкент Давлат университетининг маданият саройи. Турли тилларда тинчлик ва дўстлик, қардошлик сўзлари ёзилган бу улкан кошонада турли халқларнинг куй ва қўшиқлари янграмоқда. Интернационал вокал-чолғу «Флор» ансамбли қатнашчиларининг концерт номерлари зўр қизиқиш билан қутиб олиняпти. Айниқса ансамбль солисткаси, кубалик студент Янес Марияннинг жўшқин қўшиқлари зўр ҳаяжон ва олқишлар билан тингланяпти. Бу бежиз эмас. Озодлик қўшиқлари, кураш ва бирдамлик қўшиқлари барча халқлар учун ҳамоҳанг қўшиқлардир.

Тошкент Давлат университетида ўзбек студентлари билан ёнма-ён ўтириб илм ола бошлаган Афғонистон Демократик Республикасидан келган студентлар учун ҳам бу қўшиқлар ниҳоятда азиз ва қадрли.

— Ҳар бир йил инсонлар тақдирида, мамлакатлар ҳаётида ўчмас из қолдиргани каби 1978 йил бизнинг афғон халқлари тарихида ҳам муҳим аҳамиятга молик йил бўлди, — дейди Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетида илм олаётган афғонистонлик студент Азизулла. — Апрель революцияси фақатгина афғон халқи учунгина эмас, балки шунингдек Афғонистонда қадим-қадимдан истиқомат қилиб келаётган бошқа халқлар учун чинакам тенг ҳуқуқлилик, озодлик ва бахт, дўстлик ва қардошлик йўлини кўрсатиб берди.

Азизулла асли деҳқон фарзанди. У Қобул дорилфунунига имтиҳон топшириб юрган кунларда тарихий Апрель революцияси ғалаба қозонди. Жуда кўпчилик илғор фикрли студентлар сафида, халқ демократик партиясининг актив аъзолари сафида Азизулла ҳам революция ғалабаси учун курашди. У бундан икки йил муқаддам ана шу партияга аъзо бўлиб кирган эди. Азизулла инқилоб кунларини жуда яхши хотирлайди. Халқ озодлик революциясини қандай қутиб олганлиги. Нурмуҳаммад Тараки бошлиқ революцион ҳукуматнинг барча миллатларга тенг ҳуқуқ берганлиги, мамлакатда амалга оширилаётган улуғ ўзгаришлар фақат Азизуллани эмас, Тошкент Давлат университетида илм ола бошлаган ўнлаб афғон студентларининг ҳам қалбини ғурур ва фахрга тўлдирган.

— Ҳозир дорилфунунимизда ўн олти мамлакатдан келган 225 дан ортиқ студент илм олмоқда, — дейди ТошДУнинг чет мамлакатдан келган студентлар билан ишлаш бўйича декани Ҳалимбой Бобоев. — Улар учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган.

Кўпчилик чет эллик студентлар ётоқхоналарда совет студентлари билан бирга яшашмоқда. Улар ўртасидаги дўстлик ва қардошлик алоқалари кун сайин мустаҳкамланиб бормоқда.

Биз интернационал вокал-чолғу «Флор» ансамбли, унинг актив қатнашчилари лаослик студент Пхиндола, ГДРлик студент Хорелд Псманскийлар ва кубалик Янес Мария ижросидаги жанговар қўшиқларни тинглаб, университетнинг чет эллик ва совет студентлари истиқомат қилаётган ётоқхонасига ташриф буюрдик.

ТошДУ журналистика факультети студенти Насриддин Воҳидов ўз хонасига таклиф қилди. У Афғонистондан келиб ТошДУ ҳуқуқшунослик факультетида ўқиётган Тиловмурод ва Абдулборийлар билан бирга тураркан. Улар қисқа вақт мобайнида жуда дўстлашиб, иноқлашиб олишибди. Насриддин менга Тиловмурод ҳақида, унинг Афғонистонда истиқомат қилувчи ўзбекларнинг халқ оғзаки ижоди, халқ мақоллари ва топишмоқларидан жуда кўп тўпланганлиги ҳақида ҳаяжонланиб гапириб берди.

Биз студентлар шаҳарчасидан қайтарканмиз турли тилларда кураш ва озодлик, қаҳрамонлик ва муҳаббат қўшиқлари янграрди. Бу қўшиқлар барча тиллар учун ҳамоҳанг, у жўровоз қалблар қўшиғидир.

М. АБДУЛЛАЕВ.

САЛОМАТЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

Мана бир неча йилдирки, Киров районидаги 31-марказий поликлиникада саломатлик университети иш олиб бормоқда. Шундан бери икки йиллик курсни 300 дан зиёд тингловчи битириб чиқди.

Жамоатчилик асосида ишловчи университетда машғулотларни қатъий план асосида олиб борилади. Айни кунларда бу ерда 100 дан ортиқ тингловчи медицина сирларини ўрганмоқда. Дарсларни қизиқарли ва жонли ўтказиш учун кўргазмали қуроллар, техника восталаридан унумли фойдаланилмоқда.

— Бу йилги машғулотларда ошқозон ва ичак, ҳафқон касалликлари ва уларнинг олдини олиш каби муҳим мавзуларда лекциялар ўтказилади, — дейди поликлиника бош врачи А. Мавлонов.

Университет машғулотларини жонли ва қизиқарли ўтказишда медицина фанлари кандидатлари С. В. Ципкина, М. Б. Левитанус, Л. П. Цикиновская, поликлиника шифокорларидан Т. Кроповинская, Н. Мусоҳиддинова кабилар жонбозлик кўрсатишяпти.

С. СУЛТОНОВ.

Шаҳримиздаги мактаб ўқувчилари ва болалар боғчалари тарбияланувчилари ўртасида янги йил тантаналари давом этмоқда.

Мана бу суратларда пойтахтнинг Собир Раҳимов районидаги 271-болалар боғчасида бўлиб ўтган арча байрами тасвирланган. Юқоридаги суратда Қорбобо кичкинтойлар ҳузурида меҳмонда. Пастдаги суратда эса тарбияланувчилар ўзларига топ ширилган программани ижро этишяпти.

Ҳ. Шоднев фотолари.

Мусобақалар хроникаси

Халқаро шашка бўйича республика очиқ биринчилиги ниҳоясига етди. Икки ҳафталик кураш дан сўнг голиблар аниқланди.

Учрашувлар тугашига бир неча тур қолганида тошкентлик халқаро тоифадаги мастер С. Давидов ва спорт мастери С. Гуляевлар пешқадамликни қўлга олишди. Бу спортчилар ўртасидаги ўзаро учрашув дуранг натижа билан якунланди. Натижада олти учрашувни ғалаба ва етти учрашувни дуранг натижа билан якунлаган бу икки спортчи биринчи ва иккинчи ўринларни бўлашиб олишди. Республиканинг собиқ чемпиони В. Раппопорт учинчи ўринни эгаллади.

∴ ∴ ∴

Термиз шаҳрида камондан отиш бўйича ўтказилган Сурхондарё областининг очиқ шахсий команда биринчилиги ниҳоясига етди. Область Совети ижроия комитетининг совғаси учун ўтказилган бу биринчиликда тошкентлик армиячилар муваффақиятли қатнашдилар. Улар умумий якунда биринчи ўринни қўлга киритишди. Аёллар ўртасида ўтказилган шахсий беллашувларда тошкентлик армиячи К. Каримова энг яхши натижа кўрсатиб, биринчи ўринни қўлга киритди. Пойтахтимизнинг эркаклар командаси беллашувларда яхши қатнаша олмади. Улар совриндорлар сафидан ўрин олишолмади.

∴ ∴ ∴

Чимён ён багирларида қишки спорт турлари бўйича дастлабки беллашувлар бўлиб ўтди. Бу ерда тошкентлик чанғичилар шаҳар биринчилигининг ғалабасини қўлга киритиш учун ўзаро куч синашдилар.

Катта ёшдагилар ўртасидаги беллашувда биринчи ўринни Владимир Бойжонов қўлга киритди. Аёллар ўртасидаги беллашувларда эса Татьяна Овчарова ғолиб чиқди. Катта ёшдаги ўсмирлар ўртасидаги беллашувда Андрей Троянов яхши натижа кўрсатди. Кичик ёшдагилар ўртасида эса Василий Болгов ғолиб чиқди.

∴ ∴ ∴

Андижон шаҳрининг «Боғишамол» истироҳат боғида кураш зали қуриб фойдаланишга топширилди. Думалоқ шаклда қурилган бу беллашув маскани бир йўла 3 минг томошабинни ўз бағрига олади. Бу ерда курашинг самбо, дзю-до, классик, эркин беллашув турлари қатори бокс, оғир атлетика бўйича ҳам қизиқарли баҳслар ўтказиш мумкин.

● Ҳар тўғрида

«ОДАМ-ҚУРБАҚА»

Баъзи чет мамлакатларда «ҳар ким қобилиятига қараб маблағ топиши мумкин» деган ёзувсиз қонун ҳам ҳукм суради. Шунинг учун Ғарбда «стантмэнлар» деб аталувчи кишилар пайдо бўла бошлашди. Улар доллар ва реклама учун ҳар қандай ишга тайёрдирлар. Бу кишиларга ҳаётларини қурбон қилиш ҳам ҳеч гап эмас. Нима бўлса ҳам пул ишлашса бўлгани. Чунки ишсизлик ҳукмронлик қилган мамлакатда шундан ўзгача яшаш мумкин эмас-да, ахир.

Америкалик Генри Ла Моз энг эски «стантмэнлардан» бири ҳисобланади. У ҳозир 73 ёшга кирган. 50 йилдан бери муттасил равишда пул ишлаш учун баландликдан сувга сакрашни ўзига «касб» қилиб олган. У чуқурлиги 30 сантиметр келадиган бассейнга 16 метр баландликдан сакрайди. Англиянинг «Уикэнд» журнали Ла Моз тўғрисида фотоочерк эълон қилди. Мана у баланд пиллапоядa турибди. Кейин қўлларини ёйган ҳолда сувга сакрамоқда. Ниҳоят у бассейнда қад кўтаради. Сув тиззасидан пастда.

Ла Моз ўзининг бу «касби» ҳақида шундай дейди. «Мен сувга тушиш олдидан қорним ва кўкрагимни қаттиқ сиқиб оёқ-қўлларимни ёзиб оламан. Шундай қилганда сувга сакраган киши дарҳол унга чуқур ботиб кетмайди. Мана шу «касб» орқали мен турмуш ҳаётимни ўтаб келмоқдаман».

ФИЛ ҲУЖУМИ

Жуда қадимдан Ғарб туристларини Африка мамлакатлари ва унинг қўриқхона зоналари, ҳайвонот олами қизиқтириб келади. Мутахассисларнинг қайд қилишича, Африка ҳайвонот оламига бу қадар қизиқиш ва ҳайвонлар ғашини келтира бошлаган. Ҳатто энг тинч ҳайвонлардан бири ҳисобланган филлар ҳам сўнгги вақтларда «тўнини» тескари кийиб олишган. Мана энг сўнгги мисол. Ғарбий германиялик турист Хартвинг ўз меҳнат отпускасини Танзанияда ўтказишга қарор қилади. У Микуми миллий боғи меҳмонхонасидан жой олади. Ажойиб кунларнинг бирида турист катта йўл бўйлаб бассейн томон бораётганда тўсатдан пайдо бўлган фил унга ҳужум қилади. У хартуми билан Хартвингга оғир жароҳат етказади. Бемор махсус самолётда ўз ватанига жўнатилади.

Бундай воқеалар тез-тез Ғарбий матбуот саҳифаларида эълон қилиниб туришига қарамай, Африка табиатига бўлган қизиқиш сира сўнмаяпти. 1973 йилда Танзанияга 124 минг турист келган бўлса, 1976 йил эса бу кўрсаткич икки бараварга ошган.

«Агар бундан кейин ҳам туристларнинг Танзанияга бўлган қизиқиши шундай давом этаверса, — деб ҳазиллашади танзаниялик зоологлар, — уларга жароҳат етказувчи филларни биз қаердан топамиз?».

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

* РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА *

Ўзбекистон Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

6 ЯНВАРЬ СОАТ 15.00 ВА 19.00 ДА

ЛИРИК ХОНАНДАЛАР ВА РАҚҚОСАЛАР ДАВРАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар

ХОЛИСХОН ҚОДИРОВА.

ЮНУС ТЎРАЕВ, МИРЗА ТОИРОВ.

Карфагенда бўлиб ўтган VIII Жаҳон фестивалининг лауреати

МАВЛУДА ОЙНАҚУЛОВА.

Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг лауреати

КАРИМА УЗОҚОВА

Республика созанда-ижрочилар конкурсининг лауреати

ТОҲИР СОБИРОВ.

Солистлар: Хадича АЛИМАРДОНОВА, Комилжон ИБРОҲИМОВ, Ғуломжон ДАДАХОНОВ, Нодира АҲМЕДОВА, Дилбар АБУЛЛАЕВА, Райҳон АБУЛЛАЕВА, Лола ОҚИЛОВА, Саттор ИСЛОМОВ (оригинал жанри).

ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Музика раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Салоҳиддин ТУХТАСИНОВ.

Программани — Светлана ТАГИРОВА олиб боради.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилади.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 5/1 да **Аида** (19.00), 6/1 да **Афсоналар водийсида** (12.00), **Дилором** (19.00), 7/1 да **Этик кийган мушук** (12.00), **Оламнинг яратилиши** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 5/1 да **Олтин девор** (19.00), 6/1 да **Ганг дарёсининг қизи** (11.00, 15.00), 7/1 да **Ғариблар** (11.00), **Олтин девор** (15.00), **Кўрмайин босдим тиконни** (19.30).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 5/1 да **Ҳижрон**, 6/1 да **Тошкентнинг ноёб ҳаёлоти** (18.30), 7/1 да **Кулги кечаси**.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Циркда арча». Янги йил томошалари** (10, 13, 16, 19.30).

КИНО

5 ЯНВАРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«УМРНИ УЗАЙТИРИШ СИРИ» — **Мир.**

«УФҚ» (15) — **Янгиобод.**

«МУЛОЙИМ» АМЕРИКАЛИКЛАР» — **Фестиваль.**

«ЮЗ МИНГ ВА МЕН» — **Чайка.**

«АМЕРИКАЛИКЛАР БИЗ БИЛАН ТАНИШМОҚДАЛАР» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги.**

«ЖОНЛИ СОАТЛАР ҲАҚИДА» — **С. Раҳимов номли.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҚОРА ҚАВИН» — **Санъат саройи, Чайка, Нунус, Восток, Москва.**

«МАКТАБ ВАЛЬСИ» — **Восток** (кичик зал).

«СОЯЛАР ЧОШГОҲДА ИЎҚОЛАДИ» (3—4-сериялар) — **Искра.**

ХРОНИКАЛ ВА ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР ПРОГРАММАСИ — **Навоий номли, Ғ. Ғулом номли, Лисунов номли, Ўзбекистон ССР 25 йиллиги, Тошкент Советининг 50 йиллиги, Ғунча, Пионер, Нунус, Қозоғистон, Кўкча, Чайка, Искра, Фестиваль, Мир, Янгиобод.**

6 ЯНВАРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«АТТРАКЦИОНЛАР ТАЙЁРЛАНАДИГАН ЎЙ» — **Нунус.**

«УФҚ» (15) — **Янгиобод.**

«ЎРТОҚ СИБИРЬ» — **Ҳамза номли.**

«УМРНИ УЗАЙТИРИШ СИРИ» — **Мир.**

«МУЛОЙИМ» АМЕРИКАЛИКЛАР» — **Фестиваль.**

«ЮЗ МИНГ ВА МЕН» — **Чайка.**

«СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК» — **Дружба.**

«ИЛТИФОТГА ШОШИЛИНГ!» — **Тинчлик.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҚОРА ҚАВИН» — **Санъат саройи, Чайка, Нунус, Восток, Москва.**

«МАКТАБ ВАЛЬСИ» — **С. Раҳимов номли, Восток** (кичик зал).

«СЕН ҲАМ ОСМОНГА УЧАСАН» — **Тинчлик.**

«СОЯЛАР ЧОШГОҲДА ИЎҚОЛАДИ» (3—4-серия) — **Искра.**

ХРОНИКАЛ ВА ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР ПРОГРАММАСИ — **Навоий номли, Ғ. Ғулом номли, Лисунов номли, Ўзбекистон ССР 25 йиллиги, Тошкент Советининг 50 йиллиги, Ғунча, Пионер, Нунус, Қозоғистон, Кўкча, Чайка, Фестиваль, Мир, Янгиобод.**

«ТАШХЛЕБТОРГ»

КАФЕТЕРИЯ БЎЛИМЛАРИДА КОНДИТЕРЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ, НОН ВА НОН-БУЛКА МАҲСУЛОТЛАРИНИ СОТИШ БЎЙИЧА КИЧИК СОТУВЧИЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН

3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқувчиларга 1 ва 2 ойда 52 сум 50 тийин, 3 ойда эса — 56 сўм стипендия берилади.

Курсларга 8—10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар қабул қилинади.

Курсларни битирганларга Совет савдо техникумига киришлари учун имтиёзлар берилади.

Курсларга кирувчилар: паспорт, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, 3Х4 см. ҳажмидаги 2 дона фотосуратларни топширадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, М. Тимирязев кўчаси, 2-уй (2, 16, 25-трамвайларнинг «Қозоғистон» кинотеатри, 3, 22, 23, 29-трамвайлар, 19, 47-автобусларнинг «Ташхлебторг» бекатлари), кадрлар бўлими. Телефон: 35-41-31.

ГАЗДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

«ТАШГАЗ» БИРЛАШМАСИ ГАЗ ВА ГАЗ АСБОБЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ТЕГИШЛИ ҚОИДАЛАРГА ҚАТЪИЙ АМАЛ ҚИЛИШ КЕРАКЛИГИНИ ЭСЛАТИБ ЎТАДИ.

Газдан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши портлаш, ёнғин чиқиш, заҳарланиш ёки бўғилиш кабн оқибатларига олиб келиши мумкин.

Ёқилган газ горелкаларини назоратсиз қолдирманг — аланга сўниши мумкин, бу ҳолда хонага газ тўпланиши, портлаш, ёнғин чиқиш ва заҳарланиш ҳоллари рўй бериши мумкин.

Газ асбобларидан фойдаланишда болалар, инструкциядан бехабар кишилар, чунончи, маст ҳолдаги шахсларга рухсат этиш ман этилади.

Рўзғор газ плиталаридан хоналарни иситиш учун фойдаланиш қатъиян ман этилади, чунки бу саломатлик учун хавфлидир.

Дудбуронлари мавжуд бўлган газ асбобларидан фойдаланган вақтда дудбуронларнинг ҳаво тортиш ёки тортмаслигини албатта текшириб кўринг.

Дудбуронларнинг ҳаво тортмаслиги ёки ёмон ҳаво чиқаришлиги хонага ис газининг тўпланиши, бу заҳарли газдан кишининг заҳарланиши мумкин.

ГАЗ ВА ГАЗ АСБОБЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИГА ҚАТЪИЙ АМАЛ ҚИЛИНГИЗ!

СИЗНИ ЎЗ КОЛЛЕКТИВИМИЗГА ҚАБУЛ ҚИЛИШДАН ХУРСАНДМИЗ!

Ҳурматли уй бекалари! Сиз барча уй юмушларини саранжомлаб, жигарбандларингизни ўқишга ва ишга кузатиб қўйдингиз, тушликни ҳам тайёрлаб бўлдингиз, энди бир оз бўш вақтингиз ҳам бор. Ана шу бўш вақтни қандай фойдали ўтказиш керак?

1-ТРАМВАЙ ДЕПОСИ

КОНДУКТОР ЁКИ ОЙЛИК ПУЛ КАРТОЧКАЛАРИ СОТУВЧИ МУТАХАССИСЛИГИНИ ЭГАЛЛАШНИ МАСЛАҲАТ БЕРАДИ.

Иш куни режими сизнинг хоҳишингизга қараб ва бўш вақтингизни ҳисобга олиб белгиланади. Иш жойи (маршрут ёки билетларни сотиш пункти) иложи борича уйингизга яқинлаштирилади.

Ёшларга, одамларга яхшилик қилиш ва ҳамиша улар орасида бўлишни истовчиларга мароқли касб — трамвай ҳайдовчиси касбини таклиф этамиз.

Биз 6 ойда шу касбга ўргатамиз, ойига 60 сўм стипендия тўлаймиз.

3—4 ой ичида трамвай вагонлари ремонти бўйича электрослесарь касбини эгаллаш мумкин.

Меҳнат кунидан сўнг китоб ўқиш, спорт майдонида куч синашиш ёки бадиий ҳаваскорликда ўз имкониятларини синаб кўриш жуда мароқли. Бунинг учун бизда барча имкониятлар бор: трамвай-троллейбус бошқармаси клубида кутубхона, спорт секциялари, бадиий ҳаваскорлик тўгаракларн ишлаб турибди.

Тўла ахборот олиш учун телефон — 91-18-00, қўшимча 3-53 ёки Тошкент шаҳар, Гайдар проезди, 50-уйга — 1-трамвай депоси кадрлар бўлимига мурожаат қилиш мумкин.



СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ С. Ф. ЧЕРНИКОВ НОМИДАГИ 1-ТРАМВАЙ ДЕПОСИ.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

5 ЯНВАРЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.10 «Москва ва москваликлар». 17.40 «Скиппи». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси (Австралия). 7-ва 8-сериялар. 18.30 «Қишлоқ: ишлар ва муаммолар». 19.00 «Ўрмон қиссаси». Хореографик эртак. 19.15 «Оламда нима гап?». 19.30 Хоккей бўйича халқаро учрашув. «Детройт ред вингз» — «Крилья Советов». Детройтдан олиб кўрсатилади. (АҚШ). 21.30 «Вақт». 22.00 «Русская зима» санъат фестивалининг якунловчи концерти Кремль Съезлар саройидан олиб кўрсатилади. 01.00 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

18.00 «Бизнинг уй». Болалар учун мультфильм. 18.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Касбим — фахрим». 18.45 «Ахборот» (рус.). 19.00 «Зангори экран» почтаси. 19.30 «Халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги». Кўрсатувни ёзувчи Ўлмас Умарбеков олиб боради. 20.05 «Ғалаба ранги», «Зардўзлар». Телевизион ҳужжатли фильмлар премьераси («Ўзбектелефильм»). 20.30 «Ахборот». 20.50 М. Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваторияси чангчи-студентлар ансамбли ижро этади. 21.30 «Вақт». 22.00 «Чорвачилик — зарбдор фронт». 22.20 «Биринчи қалдирғоч». Бадиий фильм («Грузия-фильм»).

6 ЯНВАРЬ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.40 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.00 «Ўсмирлар ижоди». 10.30 «Ота-оналар, Сизлар учун». 11.00 Грилин чалади (баян). 11.15 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик». 11.45 «Оламда нима гап?». 12.00 «Тонгги почта». Музикали программа. 12.30 «Советлар ва ҳаёт». Кўрсатувда СССР Олий Совети Иттифоқ Совети план-бюджет комиссиясининг раиси Г. И. Вашченко иштирок этади. 13.10 «Спортлото» тиражи. 13.15 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа. Врач Ю. В. Белянчикова олиб боради. 14.00 «Музикали абонемент». РСФСРда хизмат кўрсатган артист М. Касрашвили куйлайди. Кўрсатувни СССР халқ артисти И. И. Петров олиб боради. 14.35 «Ташаббус». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. «Экран» ижодий уюшмаси (1978 йил). 15.25 «Ленинград дискиленди» ансамбли чалади. 15.50 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». Профессор С. П. Калица олиб боради.

16.55 «Скиппи». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси (Австралия). 9-, 10-, 11-сериялар. 18.10 «Бу ерда ўт ҳам қизил рангда». Ҳужжатли фильм премьераси. Ҳужжатли фильмлар Марказий студияси. 19.00 «Ғариблар» Моссовет номли Давлат академик театри фильм-спектаклининг премьераси. Автор — В. Дельмар. 21.30 «Вақт». 22.05 «А. Пугачева театри». Телевизион музикали фильм-концерт премьераси (Таллин). 22.50 «Бугун ва ҳар кун». Телевизион ҳужжатли фильм («Экран»). 23.05 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

10.10 «Торларимиз сири». Телевизион фильм-концерт («Ўзбектелефильм»). СССР Давлат телерадиосининг буюртмасига биноан. 11.15 «Ўзбекистон спорти». 11.45 «Кинопублицист экрани». Кинокўратув.

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА

13.45 «Янги йил совғаси». Телевизион бадиий фильм (Новосибирск). (рус.). 14.10 Ота-оналар учун консультация.

17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 «Дилли-Далли Муркин паркда». Болалар учун мультфильм. 17.45 Болалар учун концерт. 18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. Совет Армияси жангчилари учун. «Шеърият сафда» (рус.). 19.00 «Жаҳон бир ҳафта ичида». Халқаро кўрсатув. 19.30 «Романтика» телевизион театри. В. Александров. «Сенга насиҳатим». 1-қисм. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Гулсара Ешубова концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Романтика» телевизион театри. В. Александров. «Сенга насиҳатим». 2-қисм. 23.10 «Валентина Толкунова куйлайди». Телевизион фильм-концерт («Экран» ижодий уюшмаси).

Тожикистон телевидениесининг программаси

17.00 Мактаб ўқувчиларининг каникул кунларида. «Янги йил арчаси атрофида». 17.40 «Октябрь эписи». Ҳужжатли фильм.

18.35 «Кинокамера билан саёҳат». 19.25 «Новости» информацион программаси. 19.45 «Инсон, автомобиль, йўл». 20.10 «Ахбор» информацион программаси. 20.30 «Дўгонахо». Телевизион клуб.

4 ТОШКЕНТ бет. ОҚШОМИ

5 ЯНВАРЬ, 1979 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар; партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-55-83; қурилиш 32-58-85, шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 38-81-42, нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

Р. 12809. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Е — 1204.